Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (20. 321) • 1989 йил 5 март, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. Горбачев М. Немет билан учрашди

Суратда: суҳбат пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

3 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев амалий визит билан СССРга келган ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси М. Неметни қабул қилди. М. С. Горбачев М. Неметни Венгрия ҳукуматининг бошлиғи этиб тайинланганлиги муносабати билан табриклади ва унга ана шу лавозимда муваффақиятлар тилади.

М. Немет Венгрия жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ВСИП ўтказаётган йўл тўғрисида ахборот бериб, бу йўл мамлакат коммунистларини, барча гражданларини ҳозирги мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун жипслаштирадиган амалий ишларнинг равшан сафарбарлик программасига таяниши зарурлигини таъкидлади. Товар-пул ва бозор муносабатларидан фойдаланишга, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини оширишга, марказлаштирилган бошқарувни такомиллаштиришга асосланган ислоҳотни янада авж олдириш иқтисодий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Ҳукуматнинг барқарорлаштириш программаси мақсадларига кўра, ўтган йили баъзи ташқи иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга муваффақ бўлинди, бироқ салбий тенденциялар ҳозирча бартараф этилмаган.

Идора қилувчи ҳар бир Коммунистик партия вазифаларни ўз тарихий шароитлари ва миллий қадриятларига биноан ҳал этади, ўз сиёсатини мустақил ишлаб чиқади, деди М. С. Горбачев. Бу рад этиб бўлмайдиган принципдир. Айни вақтда партиялар фаолиятида кўпгина умумий жиҳатлар бўлиб улар халқ манфаатлари йўлида социализмнинг потенциалидан энг кўп даражада фойдаланиш йўлларини излайдилар. Ҳаммамиз учун энг муҳими — инсон манфаатини кўзлаб, унинг барча ижодий имкониятлари намоён бўлиши учун шарт-шароитни таъминлашдан иборат, деб айтиш мумкин.

СССР ҳозир бурилиш босқичида бўлиб, эски турмуш тарзига, таркиб топган одатлар ва тасаввурларга бутунлай барҳам берилмоқда. Иқтисодий структуралар тубдан янгиланиб, ҳокимиятни Советларга қайтарувчи демократик сиёсий система вужудга келтирилмоқда. Совет кишиларининг актив, фаол позицияси — қайта қуриш муваффақиятининг гаровидир.

Суҳбат чоғида ҳар иккала томон экономика, фан ва техника соҳасида, хусусан — саноат ва қишлоқ хўжалигида муштарак корхоналар ташкил этишда самарали Совет—Венгрия ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан манфаатдорликни таъкидлади.

Суҳбат дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 2—3 март кунларидаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайлови бўладиган, шунингдек ҳозирги шароитда КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш вазифалари муҳокама қилинадиган навбатдаги Пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ишида қатнашиш учун иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, Олий Советлари Президиумларининг раислари ва Министрлар Советларининг раислари, министрлар, марказий идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари, КПСС марказий органлари составига кирмаган КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар, шунингдек қишлоқ район партия комитетлари секретарлари, хўжалик раҳбарлари, ижарачилар, олимлар ҳамда агросаноат комплекси бошқа ходимлари группаси таклиф этилади.

Сиёсий бюро Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига қўйиш кўзда тутилаётган ҳозирги шароитда КПСС аграр сиёсатини амалга оширишга, мамлакат агросаноат комплексини янада ривожлантиришга доир ҳужжатларнинг лойиҳаларини батафсил муҳокама қилди. Мажлисда қишлоқдаги аҳвол, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи қишлоқда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартиришни, раҳбарликнинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик усулларидан қатъий воз кечишни тақозо этаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Сиёсий бюро мулкнинг хилма-хил формаларини ва хўжалик юритиш турларини — колхозлар, совхозлар, агросаноат бирлашмалари, қайта ишловчи корхоналар, ижарачилар, кооперативлар, ижара коллективлари, деҳқон хўжаликлари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб бориш негизида ишлаб чиқаришни юритиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлади. Агросаноат комплексини бошқаришнинг форма ва методлари ҳам янги шароитга мувофиқ равишда ўзгартирилиши керак, бунда тўла хўжалик ҳисобини, планлаштиришда, етиштирилган маҳсулот ва даромадларни тасарруф этишда катта ўзгаришлар қилишни кўзда тутиш лозим. Агросаноат комплексини ривожлантириш ва бошқаришда иттифоқдош республикалар ва маҳаллий органларнинг роли ошади.

Агросаноат комплексининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш тадбирлари Пленум муҳокамасига қўйилади. Бунда маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлашни ривожлантиришга, уни ташиш ва сотишни яхшилашга, нобудгарчиликларни кескин камайтиришга алоҳида эътибор берилган. Ҳужжатлар лойиҳаларида қишлоқнинг социал соҳасини тубдан ўзгартиришга, йўллар, уйжой, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, маданий-маиший объектлар қурилишини кенгайтиришга, коммунал хўжалигини ривожлантиришга катта ўрин берилган.

Қарорлар лойиҳаларини муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети аграр сиёсат масалалари комиссиясининг аъзолари, шунингдек, олимлар, планлаштириш ва хўжалик органларининг мутахассислари иштирок этдилар. Нотиқлар тавсия этилаётган тадбирларни умуман маъқуллаш билан бирга, қишлоқ хўжалигида бошқариш, планлаштириш, рағбатлантириш, пул билан таъминлаш ва кредит беришни яхшилаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, қишлоқни социал жиҳатдан ривожлантириш масалаларини ҳал қилишни жадаллаштириш юзасидан бир қанча таклифлар киритдилар.

Муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, шунингдек, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Назарбоев, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Пономарев, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масолиев, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, Херсон область Белозерка районидаги С. М. Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников, ВАСХНИЛ президенти А. А. Никонов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Татарчук, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу, Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск районидаги «Кубань» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи М. И. Клепиков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ҳужжатлар муҳокамасини ҳисобга олиб, уларни узил-кесил ишлаб чиқиш ва КПСС Марказий Комитети Пленумининг муҳокамасига қўйиш зарур, деб топди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Украина ССРга сафари якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Меҳнат коллективларида, шаҳар ва қишлоқлар аҳоли сиёсий, илмий ва ижодкор зиёлилар вакиллари, республика партия активи билан кўп сонли учрашувлар ва суҳбатлар чоғида одамларнинг актив позицияси, уларнинг қайта қуришни янги даражага олиб чиқиш, унинг ғояларини амалиётга кенг жорий этиш истаги яққол намоён бўлди. Бунда партия комитетларининг ўз иш услуби ва маззмунини тубдан яхшилаш, ўзига хос бўлмаган вазифалардан қутулиш ва одамлар билан ҳамда одамлар учун ишлашга, партия турмушини янада демократиялашга эътиборни кучайтиришга доир фаолиятини авж олдириш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро республиканинг партия органларига, тегишли министрликлар ва идораларга раҳбарлик қилаётган коммунистларга меҳнаткашлар, партия ва хўжалик активлари билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар чоғида айтилган танқидий мулоҳазалар ва кўйилган масалаларни кўриб чиқиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишни топширди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Эфиопия Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Байе билан суҳбатлари якунлари кўриб чиқилди. Б. Байе Эфиопия раҳбари Менгисту Хайле Мариамнинг мактубини топширди. Совет Иттифоқининг дўст Эфиопия билан ҳамкорликни янада ривожлантириш муддаоси, ягона Эфиопия давлати доирасида Эритрея муаммосини сиёсий йўл билан адолатли ҳал этишга, Африка мугузида яхши қўшничилик ва тинчлик муҳитини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатларга кўмаклашишга тайёр эканлиги таъкидланди.

Расмий дўстлик визити билан СССРга келган ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Адамец билан М. С. Горбачевнинг суҳбати ва Н. И. Рижковнинг олиб борган музокаралари якунлари ҳам муҳокама қилинди. Бу суҳбат ва музокаралар қайта қуриш ва социалистик янгиланиш зарурлигига, социалистик иқтисодий интеграция муаммоларини ҳал этишга, халқаро турмушда янги сиёсий тафаккурни қарор топтиришга Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг ёндашувлари бирлигини яна бир бор тасдиқлади.

Эришилган аҳдномалар, СССР ва ЧССРнинг 15—20 йилга мўлжалланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг қабул қилинган концепцияси уларнинг баҳамжиҳат ҳаракатлари имкониятларини тағин ҳам самаралироқ очиб бериш учун, яқин беш йиллик ва олисроқ истиқболда мамлакатларни ривожлантиришнинг планларини тузиш учун қулай шарт-шароит яратади. Иккала мамлакатнинг реал қуролсизланишга, халқаро вазиятни соғломлаштириш ҳамда ялпи тинчликни мустаҳкамлашга содиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий бюро А. П. Бирюкованинг Ҳиндистонга амалий визити ҳақидаги ахборотини тинглади. Сўнгги вақтда иккала мамлакат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувлар СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш учун яхши негиз яратганлиги таъкидланди. Мавжуд битимларни, хусусан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришига ва савдога Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигининг янги илғор шаклларини ривожлантиришга доир битимларни бажариш юзасидан амалий ишларни кучайтириш зарур, деб топилди.

Сиёсий бюро А. И. Лукьяновнинг СССР делегацияси император Хирохитонинг дафн маросимида иштирок этиш учун Японияга борган вақтда Япониянинг давлат ва сиёсат арбоблари билан бўлиб ўтган суҳбатлари якунларини кўриб чиқди. Икки томонлама муносабатларни бойитиш манфаатларини кўзлаб, кенг доирадаги масалалар юзасидан СССР билан Япония ўртасидаги сиёсий мулоқотни кенгайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди. Токиога борган бошқа давлатлар раҳбарлари билан бўлган учрашувларнинг фойдали эканлиги уқтирилди.

М. С. Горбачевнинг Ф. Фернандес Ордоньес билан суҳбати

М. С. Горбачев 3 март куни Испания ташқи ишлар министри Ф. Фернандес Ордоньес билан учрашди. Министрнинг визитига Совет Иттифоқида тобора мунтазам тус олаётган Совет—Испан сиёсий мулоқотининг яна бир муҳим бўғини деб қаралмоқда.

Ф. Фернандес Ордоньес М. С. Горбачевга Испания ҳукуматининг бошлиғи Ф. Гонсалеснинг шахсий мактубини топширди.

М. С. Горбачев бу мактубнинг мазмунини ва руҳини табриклади. Бу мактуб Ф. Гонсалеснинг 1986 йилда СССРга қилган визити вақтида бошланган самарали фикрлашувни давом эттиради. Совет Иттифоқида, деди у, Испанияга катта ҳурмат билан қарамоқдалар, бу мамлакат халқига самимий дўстлик туйғуларини ҳис этмоқдалар. Биз учун Испания Европа ва жаҳон сиёсатида мустақил омилдир. Муносабатларимиз жўшқин ривожланаётганлигини, барча масалалар эса рўй-ростлик ва ишонч, бир-бирларининг позицияларини ҳурмат қилиш руҳида ҳал қилинаётганлигини жуда қадрлаймиз.

Ф. Фернандес Ордоньес Совет Иттифоқида амалга оширилаётган ўзгартишларга чуқур қизиқиш ва хайрихоҳлик пайдо бўлаётганлигини таъкидлади. Испанлар қайта қуришга самимият билан муваффақият тиламоқдалар, қайта қуришнинг натижалари фақат Совет Иттифоқи учунгина эмас, шу билан бирга, атрофдаги бутун дунё учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Умумевропа ишларига тегишлича эътибор берилди. М. С. Горбачев Совет Иттифоқи учун ташқи сиёсатимизнинг бошқа йўналишлари ҳам ғоят муҳим бўлишига қарамай, Европа давлатлари имтиёзли шериклар эканлигини уқтирди. Улар билан бизнинг илдизимиз умумий, тарихимиз умумий бўлиб, алоқаларимиз анъаналари азалийдир. Европада сиёсат, экономика, маънавий соҳада ҳамкорлик қилишнинг ғоят қимматли потенциали тўпланган. Европа халқаро тараққиётнинг ҳозирги, бурилиш босқичида авж олиб бораётган ижобий жараёнлар фойдасига ўзининг салворли сўзини айтиши мумкин. Бунда Европанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди.

Мухолифликни сусайтириш учун, қуролсизланишга доир музокараларни олға силжитиш учун ҳозирги вақтда Европада вужудга келаётган қулай вазиятдан фойдаланиш зарур деган фикрга суҳбатдошлар қўшилдилар. Қитъадаги вазиятни соғломлаштиришга, Европанинг шарқи билан ғарби ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳаракатлардан қочиш лозим.

Ф. Фернандес Ордоньес М. С. Горбачевга Испанияга бориш ҳақида олдин айтилган таклифни тасдиқлади. Шу муносабат билан М. С. Горбачев ана шу мамлакатга бориш истаги ва қатъий муддаоси борлигини айтди.

М. С. Горбачев билан Испания ташқи ишлар министри Совет — Испания муносабатлари ўз тараққиётидаги қулай даврда ўтаётганлигини, бу муносабатларнинг истиқболи яхшилигини якдиллик билан таъкидладилар.

Суҳбат ўзаро хайрихоҳлик, Европа сиёсати, икки томонлама ҳамкорликнинг асосий масалаларида кенг ҳамжиҳатлик билан ажралиб турди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе қатнашди. (ТАСС).

• 26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

АСОСИЙ МУАММОЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

В. И. Ленин номли Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг маданият саройига чўлқуварлар шаҳри саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг, Ховос темир йўл узели, Янгиер район колхоз ва совхозлари меҳнат коллективларининг юзлаб вакиллари йиғилишди. Улар бу ерга 595-Янгиер территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров билан учрашиш учун келдилар.

Ишончли вакиллар — Янгиер район халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Исаев ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати граждан мудофааси штабининг бошлиғи Б. Н. Зажицкий ўз сўзларида депутатликка номзодни атрофлича таърифлашди.

Ғ. Ҳ. Қодиров ўз нутқида ўтмишнинг оғир оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистонни мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, кўпмиллатли бутун аҳолисининг турмуш даражаси юксалган ўлкага айлантириш учун республикада ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларга эътиборни қаратди.

Ҳозир янги хўжалик механизмини тезроқ жорий этиш, ишлаб чиқариш структураси самарадорлигини юксалтириш ва такомиллаштириш, миллий даромадни кескин кўпайтириш жуда катта аҳамиятга эга. Ўзинингўзи пул билан таъминлашга тез орада ўтиш зарур. Келаси беш йилликдаёқ республика халқ хўжалигининг барча соҳаларида сифат жиҳатдан янги марраларни эгаллаш лозим. Машинасозлик, электроника, мураккаб рўзғор техникаси ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган мавжуд саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш борасида катта ишлар қилинади. Яқин йилларда уй-жой қурилишининг катта программасини ҳал этиш керак. Беш йилликнинг сўнгги икки йили ичидагина ўтган уч йилликда қанча уй-жой қурилган бўлса, шунча уй-жойни қуриб фойдаланишга топшириш керак бўлади.

Қишлоқ хўжалигида пахта монокультурасини бартараф этиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Келаси йилиёқ пахта 66,6 процент майдонни эгаллашига эришишимиз зарур. Бу энг мақбул даража ҳисобланади. Бу ҳамма ерда илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак етиштириладиган майдонларни анча кўпайтириш ва Озиқ-овқат программасини тезроқ ҳал этиш имконини беради. Пудратнинг энг аввало, ижара пудратининг турли усулларини жорий этиш катта аҳамиятга эга. Пахтани харид қилиш нархларини ошириш зарурлиги тўғрисида кўп гаплар бўлмоқда. Бироқ, аввало, барча имкониятларни ишга солиб, тола таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Пахтани етиштириш қанча арзонга тушса, хўжаликлар шунча кўп даромад олишади.

Социал вазифалар соҳасида соғлиқни сақлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу соҳада ҳозирнинг ўзида муайян силжишга эришилган бўлсада, бу бизни хотиржам қилмаслиги керак.

Учрашувда «Голодностепстрой» бирлашмаси 2-кўчма механизациялашган колоннаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи А. Г. Ключник, Янгиер районидаги «Москва» совхозининг бош ирригатори И. Искандаров, «Ховос» локомотив депосининг машинисти А. Ф. Брадов, Янгиер шаҳар алоқа тармоғининг телефончиси Л. А. Никонова, «Голодностепстрой» медицина-санитария қисмининг болалар бўлими мудири М. С. Мирзакаримова, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директори Ю. М. Холодников сўзга чиқиб, депутатликка номзодга наказлар беришди.

Учрашувда, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков нутқ сўзлади.

Ғ. Ҳ. Қодиров «Боёвут» совхози, Бўстон посёлкаси сайловчилари билан ҳам учрашди.

(ЎзТАГ).

АМАЛИЙ ИШЛАР КЕРАК

«Аралводстрой» бирлашмаси қурувчиларининг маданият саройига Нукус шаҳри меҳнат коллективларининг юзлаб вакиллари келишди. Бу ерда СССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчевнинг 611-Нукус территориал сайлов округи сайловчилари билан учрашуви бўлди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, «Узградострой» бирлашмасининг Нукусдаги уйсозлик комбинати директори С. Нурхўжаев йиғилганларни В. П. Анишчевнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди. У ҳозир Ўзбекистонда бўлаётган катта ўзгаришлар, ижобий силжишларда номзоднинг хизматлари ҳам борлигини таъкидлади. В. П. Анишчев Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлар группасининг раҳбари сифатида Қорақалпоғистон ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ҳамда Орол бўйидаги экология ва санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан партия ва ҳукумат қарорларини амалда рўёбга чиқаришда фаол қатнашмоқда.

Учрашувда В. П. Анишчев сўзга чиқди ва сайловчиларни ўзининг сайловолди программаси билан таништирди. У ўз программасини КПСС Марказий Комитетининг партияга, бутун совет халқига Мурожаатномасида баён этилган партия платформаси билан узвий боғлаётганлигини, коммунистлар ташаббуси билан турмушнинг барча соҳаларида олиб борилаётган қайта қуришни чуқурлаштиришни, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш ва уларнинг энг зарур талаблари ҳамда эҳтиёжларини қондиришни ўзининг вазифаси, деб ҳисоблаётганини таъкидлади.

В. П. Анишчев миллатлараро муносабатларга таллуқли масалалар устида тўхталиб, яқинда бўлган регионал илмий-амалий конференция натижалари ҳақида гапириб берди, бу соҳада кўп муаммолар тўпланиб қолганлигини қайд этди. Ҳар томонлама ўйланган ёндашувлар, кўпчилик бўлиб маслаҳатлашиш натижасида бу муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Халқ депутатлигига номзод ўз нутқида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети деҳқончиликдаги монокультурани бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, демографик муаммоларни ҳал қилиш, одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, уларнинг социал-иқтисодий ва миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларига катта аҳамият берди.

Орол ва Оролбўйи муаммолари хусусида батафсил гаплашиб олинди. Бу муаммоларни ҳал этишда кўпгина турли-туман нуқтаи назарлар ҳамда фикрларга, кўпинча эса ҳис-туйғуларга йўл қўйилмоқда. Дарҳақиқат, бу муаммолар жуда жиддий муаммолардир. Бироқ вазиятга қараб ваҳима қилмаслик керак. Муҳими — белгиланган режаларни амалда рўёбга чиқаришдир. Бу ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ниятида тузилган депутатлар группаси принципиал йўл тутмоқда. Оролбўйи регионидаги аҳволни яхшилашга таллуқли бир қанча ўткир масалаларни кўнгилдагидек ҳал этиш мумкин. Масалан, Мўйноқ районида 2—3 йил мобайнида сув ҳавзалари бунёдга келтириш, суғориладиган ерлар ва яйловларни қайта тиклаш, кўчат ўтқазиш, балиқчилик ва мўйначиликни тиклаш мумкин. Бу эса иқтисодий ва социал соҳани мустаҳкамлашга тезда таъсир қилади. Сув қувурлари, мактаблар, касалхоналар ва поликлиникалар, айниқса болалар касалхоналари ва поликлиникалари қуриш масалаларини кечиктирмай ҳал этиш талаб қилинмоқда.

Албатта, буларнинг ҳаммаси қачон бажарилади, деган савол пайдо бўлади. Барча муаммолар Қорақалпоғистонда эртагаёқ ҳал этилщига ваъда бера олмайман, деди депутатликка номзод. У айни вақтда бу масалаларни ҳал этиш учун кучқувватини аямасликка, қўлидан келган барча ишларни қилишга ваъда берди.

Учрашувда сўзга чиққан 2528-автоколоннанинг ҳайдовчиси Б. Гирля, Нукус университети ректори К. Утениёзов, Нукус нон комбинати слесари К. Калиллаев, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бош педиатри А. Заболотная, 166-қурилиш трести биринчи қурилиш бошқармасининг бригадири Б. Қодиров ва бошқа сайловчилар номзодга наказлар беришди.

В. П. Анишчев Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой ва Кегайли районлари меҳнаткашларининг вакиллари билан ҳам учрашди.

Учрашувларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Саликов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ОЛОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ЁШЛИК

В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртида КПССдан СССР халқ депутатлигига номзод СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, истеъфодаги полковник Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов билан учрашув бўлди.

Таниқли ёзувчи Владимир Васильевич Карпов эса ўз ёшлиги билан учрашди. У бундан 50 йил муқаддам мазкур ўқув юртида ҳарбий хизматини бошлаган эди. В. В. Карпов бу ерда ўзининг илк офицерлик либосини тиктирган, лекин уни кийиш насиб бўлмаган эди. Билим юртини тугатиш олдидан Сталин ҳақида эркин фикр билдирилганлиги учун қамоққа олинган эди. У 1942 йилнинг декабрь ойидагина, жуда кўп илтимослардан сўнг яна ҳарбийлар сафига қайтди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов урушдан сўнг Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида узоқ вақт хизмат қилди.

СССР халқ депутатлигига номзод ўзининг сайловолди программаси ҳақида гапириб берди. Номзод учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Область партия комитетининг Бухоро шаҳрида бўлган пленумида обком аъзолари — область матлубот кооперацияси раиси А. А. Абдурасулев, область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи В. П. Шугаев, область савдо бошқармасининг бошлиги Б. Х. Бурхоновларнинг ҳисоботлари тингланди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Икки номзоддан бирини танлаб олиш асосида область партия комитетининг секретари сайланди. Илгари Шофиркон район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган А. Р. Мўминов кўпчилик овоз билан область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НАМАНГАН, 4 март. (ЎзТАГ). Наманган область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида область халқ депутатлари Советлари ва хўжалик органларининг аҳолига савдо хизматини яхшилаш, пулли хизматлар ва кооператив ҳаракатини янада ривожлантириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Сессияда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Аллямуродов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўнинчи сессияси эртага, 6 март куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 6 март куни соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида бўлади.

• *РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ*

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ, ИНТЕРНАЦИОНАЛ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИ БОШҚАРУВНИНГ ИЛМИЙ ҲАМДА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

А. И. ДОРОНЧЕНКОВ,
КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори

Учрашувимиз қатнашчилари қилган докладларни зўр қизиқиш билан тингладим.

Нутқимнинг мавзуи миллатлараро муносабатларни бошқаришнинг методологик илмий асослари муаммосига бағишланган. Ўзларингизга маълумки, нутқ учун ажратилган қисқа вақт ичида барча асосий муаммоларни ўртага қўйиш ва ёритиш мушкул, аммо мен аввало шуни таъкидламоқчи эдимки, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўртага қўйган вазифа, яъни жамиятимизнинг кўп миллатли характери билан боғлиқ жамики йиғилиб қолган муаммоларини амалий равишда ўрганиш вазифаси мавжуд хатолар ва миллатчилик бузилишларини шунчаки танқид қилишни тақозо этибгина қолмай, шу билан бир қаторда регионларнинг ўзига хос хусусиятларини, албатта, эътиборга олишни, миллатларнинг ички ривожланиши ва улар ўртасидаги муносабатлар моҳиятлик билан аниқ-пухта таҳлил этилишини ҳам тақозо этади.

Тарихни ва шу жумладан, миллий муаммоларни материалистик тушуниш маълум даражада Маркс ва Энгельснинг қуйидаги тезисига таянади: моддий ишлаб чиқаришни ва ўзининг моддий муносабатини ривожлантирувчи кишилар ўзининг мана шу фаолияти билан бирга ўз тафаккурини ва шунга мувофиқ ўз тафаккури маҳсулини ҳам ўзгартирадилар. Бошқача қилиб айтганда, миллатлараро муомала каби миллатларнинг турмуши ҳам иқтисодий, социал, сиёсий ва маданий муносабатларни ўз ичига олади. Профессор Юсупов бу ерда капитализмни четлаб ўтиб, социализмга эришган халқлар турмушининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларидаги ўзгаришлар тўғрисида гапирди. Аммо у социал соҳани тилга олмади, ваҳолонки, бусиз таҳлил тўлиқ бўлиши мумкин эмас, Феодализмдан социалистик босқичгача йўлни босиб ўтган халқларнинг уруғ-аймоқчилик структураси ва социал муносабатлари қандай ўзгарганлигини ўрганиш мароқли бўлур эди. Бу муаммонинг муҳимлигини исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Кейинги вақтларда бизда, менинг назаримда, ғоят хилма-хил ноилмий гаплар пайдо бўла бошлади, булар ўзининг ғайриоддийлиги билан газетхон ёки тингловчининг эътиборинигина эмас, балки баъзида хайрихоҳлигини ҳам қозонмоқда. Ҳали яқиндагина тарих фанлари доктори Кузьмин «Наш современник» журналида афтидан узоқ ўйлаб ўтирмай, гўё антагонистик миллатлар мавжуд эмас, деди, бирмунча кейинроқ эса у ҳақиқатга хилоф равишда гўё В. И. Ленин «Социалистик Ватан» иборасини ишлатмаган эди, деб даъво қилди. Илмий даражалар ва унвонларга эга бўлган киши мана шундай катта минбарга чиқиб, чинакам илм-фан билан мутлақо ҳисоблашмай жар сола бошлайди. Бундай ҳолларда илмий ходимнинг масъулияти қаерда қолади? Бундай жарчиларни шу хилдаги гап-сўзларнинг оқибатлари наҳотки ташвишлантирмаса? Ахир, халқимиз олимларга, уларнинг сўзи, маслаҳатларига ишонишга кўникиб қолган-ку.

Турғунлик йилларида миллий муносабатларни бошқариш муаммоларига бизда деярли эътибор берилмас эди. Ҳозир партия Марказий Комитетига шу масалалар хусусида хатлар ёғилиб келаётгани тасодифий эмас. Миллий соҳада оддий онг савияси илмий онгдан ниҳоятда орқада қолмоқда, у ҳам илмий жиҳатдан тўғрилаб қўйилиши керак.

Шу муносабат билан кичик бир мисол келтираман. Кунларнинг бирида мен миллий муносабатларга доир муаммолар хусусида бир ўртоқ билан суҳбатлашиб қолдим. У менга даб-дурустдан: «Сиз, руслар, ҳаммангиз шовинистларсиз», — деди. Мен эътироз билдирмоқчи бўлдим: «Бу гапни қаердан олдингиз?». «Сиз ҳам шовинист бўлсангиз керак», — деб давом қилди у. «Нима учун?» — деб сўрадим мен. «Штоколов «Из-за острова на стрежень» қўшиғини ижро этганда уни ҳузур қилиб эшитсангиз керак. Шундай эмасми?». «Ҳа», — деб жавоб бердим бунда ҳеч қандай жиноятни сезмай. «Ахир, бу шовинистик руҳдаги қўшиқ-ку», — деб дарҳол менинг «ёқамга ёпиштирди» у. «Нима учун?». «Шунинг учунки, Разин «форс аёли»ни кемадан улоқтириб ташлайди!».

Бундай «далил»га дарҳол нима жавоб қайтаришимни ҳам билмай қолдим. «Келинг, бўлмаса қўшиқнинг бутун мазмунини кўриб чиқайлик, — дедим унга. — Сўзларини бир эслаб кўринг... Қўшиқда миллий муаммо эмас, балки раҳбарнинг ўз қўл остидагилари олдидаги бурчи муаммоси акс этган».

Бу ҳатто бирмунча латифага ўхшаш мисол инсоннинг чекланган онги даражасидаги тасаввурлар қанчалик нотўғри бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Афсуски, бизда шундай типдаги тасаввурлар жуда кенг тарқалган. Бунда илм-фансиз ҳам, назарияни ўрганмасдан ҳам миллатлараро муносабатлардаги ҳамма нарса равшандир. Шу боисдан бу муносабатларни бошқариш жараёни кундалик онгни илмий савиягача кўтаришга қаратилиши лозим.

Терминология тўғрисида бир неча сўз айтаман. Сиёсий матбуотда олимлар миллий тенденцияларнинг моҳиятини ва миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги реалликларини унутиб қўйиб, илмий таърифларнинг мазмунига берилиб кетишгани учун уларга бир неча марта таъна қилинганди. Назаримда, бундай танқид фақат нисбатан тўғридир. Гапшундаки, олимлар билан сиёсатчилар айни бир хил терминологиядан, айни бир хил тушунчалардан фойдалана туриб, уларга турли мазмунни беришадиган бўлишса, илм-фан яшаб, ривожлана олмайди.

Масалан, Эстония халқ фронтининг тарафдорлари «Биз интернационализмни ёқлаймиз», дейишмоқда. Эстониядаги интернационал ҳаракат тарафдорлари «Биз ҳам интернационализмни ёқлаймиз» демоқдалар. Аммо халқ фронти интернационализмни қандай тушунмоқда, унинг сиёсий ҳужжати халқ фронти программасидан қандай маъно келиб чиқади: «Интернационализмнинг асосий мазмуни миллий сафр-тоқат...» эмиш. Буни ўйлаб кўриб, бир тасаввур қилинг: турли миллатларга мансуб кишилар бир автобусда бораётиб, шундай тиқилинчда бир-бирига тоқат қилаётганликлари учунгина улар интернационалистларми? Чунки, бир-бирига тоқат қилишмоқда-да! Бу бемаънилик эмасми? Менинг назаримда, Эстония интернационал ҳаракат қатнашчиларининг позицияси анча адолатлидир. Улар турли миллат меҳнаткашларининг бирдамлигини, социализм учун курашдаги, қайта қуриш учун курашдаги бирдамликни интернационализмнинг асосий мазмуни, деб ҳисобламоқдалар.

Эстония халқ фронтчиларининг тенденциясини обиватель «нотўғри нарсани босиб чиқаришмайди» принципига биноан қабул қилади, аммо олимлар ўзгача ёндашишлари керак-ку, ахир. Ҳам миллий, ҳам синфий, ва, ниҳоят ҳам илмий масъулият бўлиши лозим. Миллий муносабатлар — жараёндир. Бу жараён вақт жиҳатидан секинлашиши, инсониятнинг энг асосий талабэҳтиёжларидан четга чиқиши мумкин, аммо олға ҳаракат — унинг бош йўлидир. Мана шу ҳаракатга мувофиқ илм-фан, унинг категориал аппарати шундай такомиллаштирилиши керакки, ҳар бир категория ортида фан учун ҳамма қабул қилган мазмун турсин. Фақат шундагина миллатлараро муносабатларга раҳбарликнинг мустаҳкам негизини вужудга келтирувчи илмий-тадқиқотлар амалда ижобий самара бериши мумкин.

Методологик жиҳатдан муҳим муаммо сифатида эътиборни жалб қилишни истаётган иккинчи масала — мамлакатимизда миллий муносабатлар назарияси ва практикасидаги бузилишлар тўғрисидаги масаладир. Миллий сиёсатга илмий ёндашув уни амалда рўёбга чиқарувчилардан ўтмишдаги хатоларни системали тарзда идрок этишларини талаб қилади. Чунки, салбий тажриба ҳам тажриба-ку, ахир. Бунда унинг аҳамияти ижобий тажрибанинг аҳамиятидан қолишмайди.

Биз камчиликлар ва бузилишлар тўғрисида кўп гапиряпмиз. Уларни системалаштиришга ва миллий жараёнларнинг мураккаблиги туфайли объектив равишда юзага келган сиёсатдаги камчиликларни ҳамда субъектив хатти-ҳаракатлар оқибатида содир бўлган ва халқларга кулфат келтирган сиёсий хатоларни, ҳатто жиноятларни кўрсатиш пайти келди.

Бундай ҳодисаларнинг биринчи группаси Улуғ Октябрь арафасидаги Россия каби шу қадар кўп миллатли мамлакатда миллий масалани ҳал этишнинг объектив қийинчиликлари билан боғланган.

Биринчидан, мамлакатимизда миллий масала ҳал этила бошланган йиллардаги сиёсатчилар билан, омманинг кайфиятларини эслайлик. Октябрь революцияси эндигина амалга оширилган бўлиб, одамлар жаҳон революциясини кутишаётган эди. Партия ҳам шунга умид боғлаганди. Шу боисдан баъзи сиёсий формалар вақтинча, деган умид билан тузилаётган эди. Ўрта Осиё регионидаги халқ республикалари аввалига ана шундай бўлганди. Сўнгра эса бундай формалардан анча муҳим, реал формаларга ўтиш йўлларини излаш зарурлигини практика кўрсатди.

Иккинчидан, бир вақтлар Ленин, бошқариш учун билимдон бўлиш керак, деб таъкидлаган эди. Миллий сиёсат соҳасида бу гап илмий назарияни билишнигина эмас, балки ҳал этилаётган муаммоларга ижодий ёндашиш зарурлигини ҳам билдирарди. Содир бўлган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш ниҳоятда зарур эди, лекин биз уруғ-аймоқчилик муносабатларининг қолдиқлари борлигини унутиб қўйдик. Ана шу уруғ-аймоқчилик муносабатлари эса ҳозирги кунгача ҳам амал қилаётган экан. Бундай муносабатлар социалистик ижтимоий муносабатлар шароитига жуда яхши мослашиб, кўникиб, мувофиқлашиб кетди.

Учинчидан, «мусулмон» халқлари, деб аталган халқлар учун анъанавий бўлган уларнинг гуркираб кўпайиши ва ҳаҳолисининг бир жойдан иккинчи жойга кам кўчиши эътиборга олинмади, бу эса бир регионда ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига ва бошқа регионларда ниҳоятда етишмаслигига олиб борди. Мана шу муҳим ҳолат то сўнгги вақтгача ҳам ҳисобга олинмай келинди.

Тўртинчидан, миллий ишчилар синфини шакллантириш ва амалда ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бир вақтлар капиталистик муносабатларга жалб қилинган бир қанча миллатларда социалистик революциядан кейин ишчилар синфи қарор топди, бошқа бир қанча миллатларда эса шу кунгача ҳам саноат ишлаб чиқаришидаги миллий ишчилар синфи ниҳоятда оздир. Натижада, масалан, Қозоғистонда, қолаверса Ўрта Осиё регионида ҳам саноат маҳсулотининг асосий улуши баъзида ўзга миллат ишчилар синфи ҳиссасига тўғри келади.

Бунда иттифоқдош республикаларнинг территориясида турли миллат ва элатларнинг мавжудлиги ҳам ўз таъсирини ўтказган, албатта. Аммо шуни унутмаслик керакки, индустрлаштириш эҳтиёжлари янги корхоналар қурилишини тақозо этди, жойларда эса тайёр ишчи кучи йўқ эди, уни бошқа жойлардан келтиришга тўғри келганди. Натижада айрим миллатларнинг социал структурасида хатоларга йўл қўйилиб, бунда миллий саноат ишчилар синфи асло етарли бўлмай, унинг вазифаларини ўзга миллат ишчилар синфи бажарадиган бўлиб қолди. Республикаларга номи берилган миллатлардан ишчилар синфининг фаол отрядини шакллантириш вазифаси турганлиги ҳозир тасодифий эмас.

Бешинчидан, камчиликни ташкил этган кичик миллатларнинг ўзини сақлаб қолишга бўлган табиий интилиши ҳисобга олинмади. Масалан, Болтиқбўйида амалга оширилган идоравий сиёсат бир қанча миллатларни камчиликни ташкил этган миллатларга айланиб кетиши тенденциясини рағбатлантириб, вазиятни кескинлаштирди. Миллий ишончсизлик учун замин вужудга келди. Бугунги кунда биз йўл қўйган хаталаримизни тузатишга мажбур бўлмоқдамиз.

Ниҳоят, олтинчидан, мажбурий атеизм соҳасидаги пухта ўйланмаган сиёсат, бу ерда илгарироқ гапириб тўлганидек, интернационализм ишига шубҳасиз зарар етказди. Мен фақат аҳолининг динга ишонувчи состави борлигини, яъни қиркдан ортиқ дин ва диний эътиқод мавжудлигини таъкидламоқчиман, буни ҳам назарда тутиш лозим эди.

Миллий сиёсатдаги хаталар ва бузилишларнинг иккинчи группаси волюнтаристик хатти-ҳаракатлар билан боғлиқдир. Энг аввало, ленинча миллий сиёсатнинг кўп даражада бузилиши Сталин номи билан боғлиқдир. Унинг революциягача миллий муаммоларни ҳал этишга илмий ёндашишни ҳимоя қилиб чиққан нутқлари ва кейинчалик Миллий масалалар халқ комиссарлиги фаолиятидаги ижобий натижалар туфайли обрўйи ошиб, бу эса узоқ вақт давомида унинг ленинча йўлдан чекинганлигини ниқоблаган омил бўлди. Сталин илгари асоратда бўлган ва Октябрь революцияси озод қилган халқлар суверенитети билан ҳисоблашишни истамай, Ленин рад этган автономлаштириш ғоясини ўртага қўйган 1922 йилгача шундай давом этди.

1920—1930 йилларда Сталиннинг ленинизмга содиқ миллий кадрлардан ғазабланиши, ўзингизга маълумки, буржуа миллатчилигига қарши кураш «зарурати» билан ниқобланган репрессияларга сабаб бўлди.

Қирқинчи йилларнинг биринчи ярмига келиб, Улуғ Ватан уруши даврида бутун-бутун халқлар Қримдан, Волгабўйидан, Шимолий Кавказдан зўрлик билан бошқа жойларга кўчириб юборилди. Марксизм мантиқига зид равишда Ватан хоинлари билан бутун-бутун халқлар бараварлаштирилди. 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг бошларида космополитизмга қарши кураш, мамлакатимиз фани ва маданияти Ғарб намуналаридан мутлақ устун деб нотўғри тарғиб қилиш сунъий равишда рағбатлантирилди. Бу кураш давомида антисемитизм кайфиятидаги «зараркунанда врачлари» иши деб аталмиш машъум суд иши амалга оширилганлиги сизларга маълум. Буларнинг ҳаммаси миллий сиёсатимизга жиддий зарар етказди.

Шу муносабат билан яна шуни айтмоқчиманки, давлат арбоблари ва партия ходимлари ўртага қўйган ва пухта ўйланмаган сиёсий фаразлар кўпинча миллий сиёсатимизга ва унга нисбатан муносабатга салбий таъсир кўрсатди.

Масалан, 1936 йилги СССР Конституциясининг 15-моддасини олиб кўрайлик. Унда миллатларнинг суверенитети 14 та модда доирасида чегаралаб берилган. Шу тарика биз социалистик миллатларнинг чекланган суверенитети ғоясига асос солдик, ғоявий муҳолифларимиз эса шуни рўкач қилиб, бизни миллатлар суверенитетини қонун йўли билан камситишда айбладилар.

Сўнгра, партия Марказий Комитетининг секретари Андреевнинг мақоласини эсга олайлик. У матбуот саҳифаларида гўё СССРда ягона совет миллати шаклланаётганлиги тўғрисидаги тезисни ўртага қўйди. Бу совет халқи — янги тарихий интернационал бирлик деган ҳолатни англаш жараёни бораётган давр эди. Бундай масъулиятсизлик билан айтилган фикр фанимиз обрўйига путур етказди ва совет миллатлар бирлигининг шакланиш жараёнини нотўғри тушунишга сабаб бўлди ҳамда бундан ғоявий муҳолифларимиз фойдаланиб қолишига йўл очиб берди.

Интернационал-ватанпарварлик тарбияси муаммосига қайтар эканман, фақат бир муаммога — ҳаммамизнинг ёш авлод олдидаги масъулиятимиз муаммосига эътиборни жалб этаман. Жамиятимизга социалистик миллатлар ва миллатлараро муносабатларга бағишланган яхши китоблар, тарихга оид ҳаққоний адабиётлар зарур, албатта. Аммо сиёсатчилар, олимлар, маданият арбоблари сифатида минбардан гапирадиган кишиларнинг масъулиятли бўлиши ҳам даркор.

Шу муносабат билан ёзувчи Темур Пўлатовнинг маънавий позициясини четлаб ўта олмайман. Сизлар унинг асарларини биларсиз ва эҳтимол, севиб ўқирсиз. У Ўзбекистон ёзувчилар союзида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида миллатлараро мулоқот этникаси тўғрисида гапириб, республикада туғилиш юқори даражада эканлигини «халқ қирилиб кетишдан ўзини ҳимоя қилаяпти», деб рўкач қилиб кўрсатади. СССР Ёзувчилар союзи болалар адабиёти секциясининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси минбаридан туриб, унинг Россиядаги «Орлёнок» пионерлар лагеридан ўзбекистонлик бир гуруҳ болаларга нисбатан, гўё юмшоқ қилиб айтганда, руслар беадабларча муомалада бўлганлиги учун улар муддатидан илгари чақириб олинганлиги тўғрисида айтган гаплари ленинча миллий сиёсатга зид бўлган ўта ахлоқсизлик, деб ўйлайман. «Комсомольская правда» газетаси унинг бу гапларини текшириб, унга ҳаққоний баҳо берди: «Ҳамма нарсани ўз номи билан аталмиз... Бу ўринда гап атайлаб нотўғри фикр тарқатилганлиги тўғрисида боради».

Миллатлараро муносабатлар тўғрисида кенг тингловчилар ҳузурида гапирмоқчи бўладиган ҳар бир киши ўз хатти-ҳаракатининг оқибати учун масъулиятни англайди, деб умид қилгим келади. Миллий муаммолар — ғоят нозик масаладир! Буни англаш бизга жамиятимизни қайта қуриш назарияси ва практикасининг ҳаётий масалаларига энг яхши тарзда жавоб қайтариш имконини беради.

ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

«Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик, биродарлик асрлар давомида ана шу икки халқ орасидан чиққан фозиллар, буюк мутафаккирлар, шоир-адиблар томонидан улуғланиб, куйланиб келинган.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети ва Тожикистон ССР Министрлар Советининг органи — «Совет Тожикистони» ҳамда Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитети ва халқ депутатлари область Советининг органи — «Ленин йўли» газеталари қаламкашларининг ҳамкорликда тайёрлаган қўшма сонидаги «Дўстлик туйғуси» сарлавҳали бош мақола ана шундай жўшқин сатрлар билан бошланади. Қўшма сондан Самарқанд области меҳнаткашларининг иқтисодий, социал жабҳада эришаётган ютуқлари, муаммолари билан бирга қардош Тожикистон республикасининг ташвишлари, орзуларини ҳикоя қилувчи хабар, материаллар ўрин олган. Масалан, қаламкаш Шоди Сатторнинг «Алвидо шаҳидлар» деб номланган публицистик мақоласида Шарорадаги зилзила мусибатлари ҳақида сўз боради. Адиб ана шундай оғир кунларда тожик халқига барча республикалардан амалий, қардошлик ёрдами келганини алоҳида таъкидлайди.

Газетанинг иккинчи-учинчи саҳифаларида берилган «Қишлоқнинг маданий қиёфаси» сарлавҳали мақолада қардош республиканинг Продетар районидаги «Ленинград» колхози ва бошқа бир қатор хўжаликларида турмуш маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилаётгани ҳақида сўз боради. Филология фанлари доктори, самарқандлик профессор С. Мирзаев ўзининг «Ўзбегим тожик билан» деб номланган мақоласида икки халқ дўстлигининг тарихи, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритади.

«Совет Тожикистони» ва «Ленин йўли» газеталарининг қўшма сони яқинда республикамиз пойтахтида «Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг регионал илмий-амалий конференциясида таъкидланган ҳамкорлик йўлида амалий қадам бўлди.

• *Ахборот*

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

● **Қарши шаҳридаги 10-дон маҳсулотлари комбинати харидорларга қулай бўлиши учун олий ва биринчи навли унни икки килограммлик махсус халтачаларда қадоқланган ҳолда чиқара бошлади.**

Комбинатда техника тараққиётига эътибор кучайтирилмоқда. Ўтган йили корхона цехлари реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Маҳсулот сифатининг яхшиланишида Швейцариянинг «Бюллер» фирмасидан келтирилган аппаратлар қўл келяпти.

Комбинат коллективи бу йил аҳолига 41 миллион 176 минг сўмлик маҳсулот етказиб беришга аҳд қилган.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

● **«Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси қурувчилари Қарши шаҳридаги «Пахтазор» микрорайонида аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи комплексни қуриб, ишга туширдилар.**

Бу аҳолига катта қулайлик яратди. Геолог ва бошқа касб эгалари бу ерда тикувчилик, кийимларни химиявий усулда тозалаш, сартарошлик каби бир неча хизматдан фойдаланмоқдалар.

Э. ЖУРАЕВ.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

«Харидоргир ва сифатли маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқарамиз» — Риштон районидаги кулолчилик заводи меҳнатчиларининг аҳди ана шундай. Меҳнат коллективлари миллий халқ анъаналарини давом эттиришмоқда. Маҳаллий хом ашёдан умумли фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сержилолиги билан ажралиб туради.

Тайёрланаётган маҳсулотга нақш чизишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу — наққошдан дид, чизиқлар тортилишига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Корхонада бундай касб эгалари жуда кўп. Зуҳра Мирзабекова ана шуларнинг биридир.

— Коллективимиз аҳил, баҳамжиҳат иш юритади, — дейди илғор ишчи. — Топшириқларни ошириб бажариш учун мусобақалашмоқдамиз. Менинг ўзим келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқдаман. Айни чоғда янги маҳсулотлар тайёрлаш устида изланмоқдамиз.

Суратда: наққош Зуҳра Мирзабекова.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

ҚАРДОШЛАР ЛОЙИҲАСИ БИЛАН

Ленинск шаҳридаги прицеплар заводида бунёд этилаётган ярим фабрикатлар ва асбобларнинг механизацциялашган омбори дўстлик қурилиши бўлиб қолди.

Унинг лойиҳасини Болгариянинг «Интрансмаш—София» фирмаси тайёрлаган. Болгариядан ускуналар кела бошлади. Қурилиш эса Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши йўли билан олиб борилмоқда. Қурилишда, ҳозир эса монтаж ва созлаш ишларида 20 миллат вакиллари, шу жумладан Болгария Халқ Республикасидан келган ишчилар ва мутахассислар қатнашмоқда.

Республикамиз учун ноёб бўлган омборнинг ўнта бўлинмасига 10 минг дона яшик сиғадиган токчалар жойлашади. Лекин ундаги ҳамма ишларни битта оператор уддалайди. Оператор цехдан буюртма тушгач, картотека ёрдамида керакли эҳтиёт қисм ёки асбоб қаерда эканлигини тезда аниқлайди ва бошқарув пультидан автоматик манипуляторга буйруқ беради. Автоманипулятор эҳтиёт қисмлар солинган яшикни команда пунктига етказиб беради. Бу иш саноқли дақиқаларда бажарилади.

Болгар дўстларимизнинг лойиҳаси билан Москвада, Тбилиси, Уфа шаҳарларида худди шундай механизациялашган омборлар қурилиб ишга туширилган.

(ЎзТАГ).

• *Хўжасизлик—қайта қуришга тўсиқ*

Термиз шаҳридаги салкам қирқ гектарли «Дўстлик» маданият ва истироҳат боғининг шарқий қанотида қурилаётган объектда ГДРдан валюта ҳисобига олинган 201 минг сўмлик спорт анжомлари уч йилдан буён бекор ётипти.

Бу ўқув-спорт марказини жуда тез қуриб, ишга туширишмоқчи эди. Шу боисдан ҳали лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга киришишдан олдинроқ унга «Мерган» деб ном ҳам беришди. Спорт иншооти учун область касаба союзлари совети зарур миқдорда маблағ ажратди. Чет эл жиҳозларига, турли анжомларга шошилинч буюртма берилди. Буюртмани тезроқ етказиб бериш масаласини ҳал қилиб беришни сўраб, Москва-ю Тошкентдаги мутасадди ташкилот раҳбарларига мурожаат қилинди.

Бу ерда кўплаб оммавий-спорт тадбирларини ўтказиш, тозалик, саломатлик ҳақида лекция ва суҳбатлар уюштириш имконияти бўларди. Аммо...

БОШЛИҚ ВАЪДА БЕРДИ

ёки хориждан олтин баҳосида олинган ва бекор ётган ускуналар хусусида

Қурувчилар ҳаш-паш дегунча енг шимариб ишга киришиб кетдилар. 1985 йилги бу забткорликни кузатган спорт мухлислари қурувчиларга ҳам ошкора, ҳам ичдан таҳсинлар айтдилар. Чунончи бир экскаватор пойдевор чуқурларини қазиган бўлса, иккинчиси ҳафтага қолмай сузиш ҳовузи жойини тахт қилиб қўйди. Ушанда: «Ҳовуз жойи тайёр, ичини цементлаб, сув қуйиб юборилса, бемалол чўмилавериш ҳам мумкин», дея суюнганлар ҳам бўлди. Кўп ўтмай, отиш машқи галереяси пойдевори битиб, ғишт терила бошланди. Гимнастика шаҳарчаси, машқ заллари, спорт-соғломлаштириш лагери, теннис майдони, буғ ҳаммоми қуриш жойлари ҳам аниқланиб, объектларга ишчи кучи, техника ташланди. Хуллас, шаҳардаги жами қурувчилар шу объектга кўчиб келишгандай эди.

Бироқ бу ерда кунлар, ойлар ўтган сайин одамлар сийраклашиб борди. Ғишт, бетон қоришмаси ортган машиналар ҳам гоҳ эрталаб, гоҳ тушдан кейин бир кўринадиган бўлди. Шу имиллаш билан бир йил ўтди. Ундан кейинги йил ҳам сира силжиш сезилмади.

Спорт маркази директори, далада-ўқ отиш бўйича тренер А. М. Тишковнинг ҳафсаласи пир бўла бошлади. Чунки лойиҳа ҳужжатларига кўра, бу марказ 1987 йилда фойдаланишга топширилиши керак эди. Ишнинг эса ҳали поёни кўринмасди. Александр Михайлович спорт марказини жўжалик ҳисобида ишлайдиган муассасага айлантириш режасини ҳам тузиб қўйганди.

— Спорт маркази ўз вақтида ишга туширилганда, — дейди у, — чет элдан олинган жиҳозлар қор-ёмғир остида ётмасди. Ўтган икки йилда эса сарф бўлган харажатнинг анчагина қисми қопланган ҳам бўларди. Марказда 500 кишилик болалар спорт мактаби, 350 кишилик спорт лагери, соғломлаштириш табобат маркази, спорт анжомларини насияга бериш пункти, соғломлаштириш группалари иш бошларди. Спорт марказига бир кунда 1500 нафаргa қадар одам келиши мумкин. Бу ерда кўплаб оммавий-спорт тадбирларини ўтказиш, тозалик, саломатлик ҳақида лекция ва суҳбатлар уюштириш имконияти бўларди. Аммо...

Ҳа, орзулар орзулигича, режалар режалигича қолиб кетди. У 1987 йилда ҳам амалга ошмади. Ўтган йили пудратчи ташкилот — 165-қурилиш трестига янги бошлиқ келди. Трест бошқарувчиси А. П. Рухтин объектнинг у бошидан бу бошига ўтиб, ўлчаб-чамалаб кўрди-да: «спорт марказини 1988 йилда, албатта, фойдаланишга топширамиз» деди. Унинг бу сўзларини трестнинг 1-қурилиш бошқармаси бошлиги (энди собиқ) Қурбон Жалилов ҳам такрорлади. Бироқ ваъда берилди-ю, иш жойидан жилмади.

Директор бир идорадан чиқиб, иккинчисига мурожаат қилди. Область газетасига ёзди. Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари унинг дод-войига парво ҳам қилмадилар. Шундан кейин у шаҳар партия конференциясида сўз олиб, аҳволни бир бошдан баён қилиб берди. Эътирозлари инобатга олинди шекилли айтганлари таклиф-у мулоҳазалар рўйхатига киритилди. Қурилиш ишларининг боришини назорат қилиб турадигани бўлдилар. Аммо трестдагилар ҳам, бошқармадагилар ҳам «бугун-эрта кучни ўша жойга ташлаймиз» дейишдан нарига ўтмадилар.

Биз бу гаплардан сал-пал хабардор эдик. Шу боисдан ҳам атайин трестга, сўнгра эса шаҳар ижроия комитетига телефон қилиб, спорт маркази қурилиши аҳволини ўрганишимизни маълум қилдик. Орадан икки кун ўтгач, трест бошқарувчиси А. П. Рухтин шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ҳ. Умаров, область спорт комитети раиси Х. Хуррамов ва яна бир неча мутасадди раҳбарлар билан биргаликда объектда бўлдик. Неажабки, ўша куни иш авжида эди. Бир неча жойда ғишт уюлиб ётарди. Умар Абдуллаев бошлиқ бригада ишчилари қўли-қўлига тегмай ғишт терар, бетон қориштирар, пойдевор хандақларини тартибга келтирарди.

— Иш ҳозиргидай кетаверса, спорт марказини қачон фойдаланишга топширишингиз мумкин? — деб сўрадик бригадирдан.

— Шундай кетса-ку... — гапга аралашди ишбошси Ҳамро Шаббозов. — Аммо кетмайди-да. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, биз фалон-фалон нарсалар керак, деб буюртма берамиз. Базадагилар йўқ дейишади. Ёки қурилиш комбинатидагилар буюртмани вақтида бажармайди. Сўнг илож йўқ. Иш тўхтаб қолаверади. Оддий мисол, ўтган йили ноябрь ойида кабель ётқизиш учун хандақ қазидик. Ўртада ариқ бор эди. Кабелни ариқдан ўтказиш учун бир машина бетон керак бўлди. Қайта-қайта сўрадик, вақтида беришмади. Оқибатда хандақни сув босди. Бундай ҳоллар кўп.

— Қурилиш материаллари ортиб қолса, кейин бу объектни эслаб қолишади, — дейди Александр Михайлович.

— Ана шундай муаммолар ҳал этилса, биз спорт марказини икки ойда тўла қуриб битказамиз, — деди Умар Абдуллаев суҳбатга якун ясагандек ва ғишт теришда давом этди.

Биз трест бошқарувчисига юзландик.

— Икки ой... билмадим, — деди Антон Павлович. — Лекин май ойида, албатта, ишга туширамиз.

Шундан бери бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Яқинда спорт маркази директорини учратиб: «Ишлар қалай?» деб, сўрадик. У қўл силтаб,

— Ёмон, — деди. — Графикка амал қилишмаётир. Ишчилар бир кўпайиб қолишади, бир санаб чиқсанг, бармоқ ортиб қолади. Кейин... биргина ғишт билан қурилиш битиб қолмайди-ку. Объектга ҳамма нарса планли равишда етказиб берилиши керак. Булар бўлса... График бузилаяпти-ку, десанг, базада «у йўқ, бу йўқ»дан нарига ўтишмайди.

— Бошлиқ ваъда берди-ку, ахир. Уни ҳаммамиз эшитдик. Ҳатто ишчилар ҳам эшитишди.

— Бошлиқ кўп ваъда берган, — деди хиёл асабий оҳангда Александр Михайлович. — Яна ваъда бераверади. Май ойи келсин, кўрасиз..

Наҳотки, Сурхондарё областидаги энг йирик қурилиш коллективларидан бирининг бошқарувчиси, анча йил партия ташкилотида масъул лавозимда ишлаган киши — Антон Павлович Рухтин ёлғон ваъда берган бўлса! Ишониш қийин. Ҳа, бўпти, май ойига ҳам узоқ қолгани йўқ. Ҳадемай келиб қолади. Қурувчилар сардори ҳам бебурд бўлиб қолишни хоҳламаса керак. Ахир ваъда бу — лафз-ку. Лафз эса ҳалол бўлиши керак.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Комил ЯШИН

ДАВР ОВОЗИ

Бир асар тарихи

Буюк санъаткор, устоз ва улуғ гражданин Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг таваллуд топганига бир аср тўлишини кенг миқёсда нишонлайдиган кунларимизга тобора яқин қолмоқда. Бу улкан санага бағишланган илмий, ижодий армуғонлар бирин-кетин туҳфа этилаётгани кишини мамнун этади. Ўзбек совет адабиётимизнинг тўйи даражасида ўтадиган бу буюк маросимга фақат республикамиздагина эмас, балки ундан йироқ жойларда ҳам муносиб ҳозирлик кўрилаётгани қалбни ғурур ва ифтихор ҳисларига тўлдиради. Ҳа, биз халқимизнинг ажойиб фарзанди, инқилоб туфайли вужудга келган янги адабиётимизнинг асосчиси билан ҳар қанча фахрланса арзийди, беназир хизматларини, бебаҳо жасоратини қанчалар эъзозламайлик ҳамон ундан қарздор бўлиб қолаверамиз.

Мен Ҳамзанинг кўплаб шогирдларидан бириман. Барҳаётлигида у билан учрашиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлганим, саҳна асарларида ўзини асосий ролларда кўрганим, қўшиқларини, нағмаларини тинглаганимдан бир умрга мамнунман, берган маслаҳатлари худди кечагидай эсимда турибди. Йигирманчи йилларнинг ўрталаридаги талай поэтик асарларим устоз таҳририда ва кўмагида «Янги Фарғона» газетаси саҳифаларида босилган. Устознинг менга қилган яхшилиги ва хизматлари шу қадар кўпки, зиммамдаги қарзимдан қутулишимга умрим бакор келмаса керак, деб ўйлайман.

Ҳамза ижодкор сифатида мен учун баланд бир чўққи, юксак маънавият ва ватанпарварликнинг беқиёс намунаси эди. Унинг қандай оғир ва мураккаб шароитларда яшаб, ижод қилгани, турли тўсиқларга дуч келгани, барини мардонавор енгиб ўтишга интилгани барчага маълум. Сиҳати ёмонлигидан даволаниши баҳоят зарур бўлса ҳам бир лаҳза тиним билмади, халқ бахти ва манфаати йўлида меҳнат қилди. Ҳукуматнинг юксак унвонига сазовор бўлиб, тегишли пенсия билан таъминланиб, яна енг шимариб, ишлайман, деб турганида инқилоб душманлари томонидан ўлдирилди. Ўшанда эл орасида катта шуҳрат қозонган бу инсон эндигина қирққа қадам қўйганди.

Ҳамзанинг бой ижодий мероси ҳақида тўхталишимга имкон йўқ. Шу важдан унинг баъзи драматик асарлари ижодий тақдирига дахлдор бўлганим сабабли қўлга қалам олиб, шу хусусда фикр айтишимга зарурат сезилди. Чунки менга буни кейинги пайтларда устоз ҳақида турли давраларда, айрим тадқиқотларда ва нашрларда билиб-билмай айтилаётган фикрлар, миш-мишлар мажбур этмоқда. Масаланинг моҳияти ҳозирги демократия ва ошкоралик заминида ҳам кўпчиликка қоронғи бўлган баъзи нарсаларни очиқ ва батафсил айтишни, бунга тўла равшанлик киритишни талаб қилади.

Устоз Ҳамза билан биринчи марта 1919 йилда Андижонда учрашганман. Ҳамза Андижонда бўлганида сира тинч турмас, маҳаллий санъаткорларни ҳаётлантириб, ишга солар ва турли тамошалар кўрсатарди. «Шарқ кечалари» деб донг таратган томошалар ҳақида кўп ёзилган. Бироқ мен айтмоқчи бўлган нарса ўша «Шарқ кечалари»дан кейин бериладиган спектакллар ва концертлар хусусида. Ўша концертларнинг бир нечтасида мактабдош ўртоғим Ниҳоҳ Умарий билан бирга қатнашиб, устознинг инқилобий шеърларини декламация қилардик. Бунга ўзи бошчилик қилар, спектакларда эса кўпинча бош ролларни ижро этарди. Ҳамзанинг «Фарғона фожиаси», «Бой ила хизматчи», «Туҳматчилар жазоси», «Заҳарли ҳаёт» спектакларида бош ролларда чиққани андижонлик кексаларнинг эсида турган бўлса керак. Ўзим унинг гоҳ Солиҳбой, гоҳ Ғофур бўлиб чиққанини унутганимча йўқ.

«Бой ила хизматчи» — Ҳамза ижодининг гултожи. Бу тан олинган ҳақиқат. Ҳамза бу асарида адабиётимизда биринчи бўлиб, оддий халқ вакилларининг ажойиб образларини яратди, бир-бирига қарама қарши синфлар ўртасидаги кескин курашни кўрсатди ва социалистик реализм принципларига моналанд иш кўрди. Ғофир билан Жамила образлари адабиётимиздаги тамомила янги образлар эди. Бу образлар асрлар бўйи золимлар дастидан озор чекиб, косаси оқармай келаётган миллион-миллион оддий халқ вакилларига жуда яқин бўлганидан бу асар ўша йиллардаёқ катта муваффақият қозонган ва ижодкорнинг донғини ҳар тарафга кетказган. Бу спектаклдан одамлар азбаройи тўлқинланганларидан йиғлаб чиқардилар. Чунки унда ўзларининг кечаги тақдирларини кўрардилар-да. Мана, бу асарни 1918 йилда кўрган Ойбекнинг таассуротлари: «Бой ила хизматчи»ни ёшлик чоғимда, Эски шаҳар театрида кўрганман. Одам қалин, зал ёшлар, ўспиринлар билан лиқ тўла эди. Бутун юрагим, ҳаяжон билан тингладим. Қалбимга қон, кўзларимга ёш тўлди ва юрагимда хоин боёнлар, золимлар, сотқинларга беиҳоя кучли нафрат, ғазаб тўлди. «Бой ила хизматчи» менда сўнмас из, чуқур таассурот қолдирган».

«Бой ила хизматчи» революциядан кейинги дастлабки йилларда катта шуҳрат қозонганидан уни ўша йилларда иш олиб бораётган қатор ижодий коллективлар ҳам ўз репертуарларига киритгандилар. Асарнинг Маннон Уйғур ва Муҳаммаджон Тожизода бошчилигидаги ижодий коллективлар ижросида томошабинларга кўрсатиб юрилганидан ҳам хабарим бор. Лекин уларнинг спектаклини кўрмаганман, бу гапни уларнинг ўзларидан турли йилларда эшитганман.

Устоз санъаткорнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича 1929 йилда бир қатор ишлар қилинди, жумладан Маннон Уйғур бошчилигидаги ижодий коллектив «Ҳамза номидаги ўзбек театри» деб атала бошлади. 1933 йилдан бошлаб, академик театр деган ном олди. Театр гарчи Ҳамза номи билан аталса ҳам унинг репертуарида асарлари кўринмас, республикадаги бошқа ижодий коллективлар репертуаридан ҳам унинг пьесаларини топиб бўлмасди. Бу нормал ҳол эмас, албатта. Ҳамзага барҳаётлигида бўлган миллатчи унсурларнинг ҳужуми у жон фидо қилганидан кейин ҳам давом этар, бу унинг асарлари қўйилмай, нашр этилмай келаётганида акс этар, ҳатто республикада шоир номини бутунлай йўқотиб юборишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмасди.

1939 йилда республикамиз ҳукумати Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг эллик йиллигини нишонлаш борасида тегишли қарор чиқариб, юбилей комиссиясини тузди. Комиссия раиси республика Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош Охунбобоев, котиби адабиётшунос олим Юсуф Султонов, мен бўлсам раис ўринбосари эдим.

Комиссия зиммасига жуда кўп вазифалар юкланган. Ҳамза асарларини тўплаб, нашрга ҳозирлаш, саҳналаштириш, кенг пропаганда қилиш сингари муҳим тадбирлар шулар жумласидан эди. Ҳамза номидаги театрга эса «Бой ила хизматчи» драмасини саҳналаштириш топширилганди.

«Бой ила хизматчи» драмасининг қўлёзмаси турли одамларнинг қўлида қолиб кетганди. Асарни тиклаш билан боғлиқ тафсилотларни такрорлаб ўтирмайман, нега деганда бу асарнинг янги саҳна вариантини яратиш бўйича нималар қилганим борасида 1939 йилда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам бир нечта мақолалар эълон қилганман ва бор гапларни айтганман.

Аввало бир нарсани айтиб ўтай. Ўттизинчи йиллардаги оғир ва мудҳиш вазиятда Ҳамза ҳам таъқибга учрай бошлаганлар рўйхатида эди. Ўша пайтдаги республикада раҳбар лавозимида ишлаб турган шахслардан бири Ҳамид Олимжон икковимизни ҳузурига чақириб, Ҳамза халқ душмани, пантуркист ва миллатчи эканини яхшилаб «тушунтирган» бўлди ва матбуотда қораловчи мақола билан чиқиб, академик театрдан Ҳамза номини олиб ташлашни талаб қилинглар, деб буюрди. Бундан икковимиз ҳам жуда даҳшатга тушсак-да, таклифни рад этдик. Ў бўлса столга муштлаб, бу фақат менинг фикрим эмас, НКВДнинг, Марказий Комитетнинг фикри, деб ўшқирди. Барибир фойдаси бўлмади, йўқ, деб туриб олдик. Шундан кейин у, сенлар билан яна гаплашаман, деб бақирганича қолди.

Биз ўша шахснинг кабинетидан чиқдигу Марказий Комитетнинг биринчи секретари Усмон Юсупов ҳузурига йўналдик. Усмон Юсупов иккимизни зулдик билан қабул қилди ва арзимизни диққат билан тингларкан тутақиб кетди. Усмон ака икковимизни яхши кузатиб қолди, бўпти, буёғини ўзимиз ҳал қиламиз, деди.

Орадан кўп ўтмай иш Ҳамзанинг фойдасига ҳал бўлди. Бизни чақириб қийнаган кимса вазифасидан олиб ташланди. Шундан кейин Ҳамзанинг номи яна тилга туша бошлади, матбуотда у ҳақда мақолалар кўрина бошлади. Бунда мен таниқли адабиётшунос Сотти Ҳусайн ва шоир Шокир Сулаймоннинг мақолаларини кўзда тутаман.

Юбилей комиссияси Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасини саҳналаштиришни планлаштирган, уни саҳнага таниқли режиссёр Етим Бобожонов қўйиши, мен бўлсам асар матнини тайёрлаб беришим лозим эди. Пьесанинг қўлёзмаси йўқолиб кетганидан биринчи навбатда уни қидириб топиш керак эди.

Юбилей комиссияси устоз асарларини топишда ва қўлга киритишда ёрдам сўраб халққа мурожаат қилди. Тегишли эълон бериб, Ҳамзага дахлдор асарлар, хатлар, суратлар ва бошқа материалларни комиссия ихтиёрига топширишни илтимос қилдик. Бироқ натижа чиқавермади.

Комиссия шундан кейин бамаслаҳат бир чорани қўллади. Ҳамза қўлёзмаларини, чунончи «Бой ила хизматчи» драмасининг қўлёзмаси учун минг сўм миқдорида мукофот берилиши ваъда қилинди.

Ҳамза билан бирга ишлашган санъаткорлардан Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Мария Кузнецова, Маъсума Қориева, Ҳожи Сиддиқ Исломов, Миршоҳид Мироқилов, Йўлчи Эгамбердиев, Музаффар Аҳмедов, Нишон Ризаев, Ваҳоб Азимов, Тўйчи Аминов (андижонлик суфлёр, «Лошмон фожиаси»нинг қўлёзмасини топиб берган), Қори Ёқубов ва бошқа қатор ўртоқлар билан суҳбатлар қурган бўлсам ҳам қўлёзма бобида бирорта иш чиқмади. Қўлёзманинг номи бору ўзи йўқ, кимдалигини ҳам, қаерда қолган бўлиши мумкинлигини ҳам ҳеч ким билмасди.

Ўша кунлардан бирида халқ орасида номи чиққан журналистлардан Комил Алиев уйимга кириб келди. Салом-аликдан сўнг гапни чўзмай муддаосини айта қолди:

— «Бой ила хизматчи»нинг қўлёзмаси бир одамда сақланаётган экан. Ўзи суфлёр экан...

Бу хушхабарни эшитиб суюнганимдан теримга сиғмай кетдим:

— Мукофот ўша суфлёрингдан айлансин, ўртоқ, тезроқ олайлик!

Қўлёзмани зудлик билан ўқишга киришдим. Бир чизиқли дафтарга ёзилган қўлёзмага (ҳаммаси бўлиб 7 дафтар эди) чиндан ҳам «Бой ила хизматчи» деб ном қўйилган, персонажларнинг номлари ҳам таниш эди.

Тўғрисини айтсам, қизиқиш билан ўқишга киришдим-у бир-икки саҳифадан кейин ҳафсалам пир, таъбим тирриқ бўлди. Қўлёзмадаги ёзув Ҳамза дастхатидан жуда йироқ, ҳатто услуби ҳам бегона, ўзи ҳам бадиий асарга ўхшамас, қандайдир саводсиз киши томонидан шоша-пиша ёзилган ва маза-матраси бўлмаган бир нарса эди. Уни қайта-қайта ўқисам ҳам ундан Ҳамзадан дарак берадиган бирор белги тополмадим. Шундан кейин уни «Бой ила хизматчи» спектаклида турли ролларни ижро этган санъаткорларга бирма-бир кўрсатдим. Улар ҳам бир овоздан, бунинг Ҳамзага даҳли йўқ, деган фикрга келдилар.

Шу кезлардаги изланишларимизда бир нарса ялт этиб ўзини кўрсатгандай бўлди. Бу адабиётшунос Миёнбузрук Солиҳовнинг Ҳамза театрининг ўн беш йиллиги муносабати билан «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» деган китобида «Бой ила хизматчи» драмасидан келтирилган каттагина парча эди. Ўша парча, мана мен Ҳамзанинг қаламига мансубман, дегандай ярқираб турарди. Устознинг ўзига хос ширали тили, равон услуби яққол сезилиб турар, ҳар бир нарса ўз ўрнида, текст бамисоли анор донасидай жойлангандан салгина силжитиб ҳам бўлмасди.

Миёнбузрук Солиҳов бу парчани асарнинг асл нусхасидан олганлиги оппа-очиқ кўринириб турарди. Бироқ қани ўша асл нусха? У Миёнбузрукнинг бисотидан топилишига шак-шубҳа йўқ эди. Бироқ Миёнбузрукнинг ўзи йўқ, бисоти билан танишиш имконимиз ҳам йўқ эди. Нима қилиш керак?



Комиссия аъзолари роса бош қотирганларидан кейин, асарни қайтадан тиклаш керак, деган қарорга келишди. Бу вазифани менинг зиммамга юклашди. Бунда улар аввало Ҳамзанинг шогирди эканлигим, ўзи билан учрашганларим, «Бой ила хизматчи»ни илгари саҳнада кўрганларим ва бошқа жиҳатларни кўзда тутишган бўлса керак.

Бу ишда иккита нарсани ҳисобга олмасдан бўлмасди. Биринчиси, асар инқилобдан кейинги дастлабки йилларда яратилган, гарчи тўрт кўринишли бўлса ҳам ихчам, иштирок этувчилар ҳам унчалар кўп эмасди. Бунда эпизодик персонажларни кўзда тутмайман, албатта. Шу важдан асарни турли жойларда кўрсатиш унда иштирок этувчиларни кўп қийнамас, декорация ҳам унчалар ваҳимали эмасди. Бунда асарни асл ҳолида тиклаш керакми ё йўқми, деган савол кўндаланг турарди. Иккинчидан эса, орадан ўтган йигирма йил ичида саҳна санъати соҳасида ҳам талай ўзгаришлар юз берган, томошабинларимизнинг талаби янада ортган, артистларнинг ҳам янги авлоди етишган, тажриба ошган эди. Янги санъатимиз саҳнасига аталган асарлар ҳам ҳар жиҳатдан замонанинг талабига жавоб бериши керак эди.

«Бой ила хизматчи»нинг янги саҳна вариантини яратишим жуда қийин кўчди. Қўлимда битта парчадан бўлак ҳеч нима йўқ. Комил Алиев воситаси билан қўлга киритилган «вариант»дан сира ҳам иш чиқмас, у қўпол қилиб айтганда, ҳеч нарсага ярамасди. Устоз Ҳамза, хўш, нима қиляпсан ўзи, дегандай мендан кўзини узмай турар, бу эса зиммамдаги масъулият устига масъулият юкларди.

Илгари мақолаларимда ёзганимдек, «Бой ила хизматчи»ни қайтадан ишлашда, тиклашда ва ўзига яраша таҳрир қилишда устознинг ўзига, майда драматик асарларига ва умумий ижодий концепциясига суянган ҳолда иш кўрдим.

Китобдаги парча мени илҳомлантирди. Энди «Бурунги сайловлар» пьесасини ҳам асос қилиб, ишни жадаллаштириб юбордим. «Бой ила хизматчи» асарини яхши билган, уни қўйган, ролларида ўйнаган санъаткорлар билан алоқани кучайтирдим. М. Уйғур, А. Ҳидоятов, О. Жалилов, Йўлчи Эгамбердиев, М. Қориева, М. Кузнецова, М. Муҳамедов, В. Азимов, Я. Бобожонов, суфлёрлар Тиллахўжа, Исмат Хўжаев, Тўйчи ота Аминовларнинг шогирдлари, Андижонда Жамила ролини зўр менга ҳали-ҳали ёдларида сақлаган сўз, ибора, диалог, монолог, айрим эпизодларни сюжет линияларини тиклашимда ёрдам бердилар. Ҳамза ҳаётлигида «Бой ила хизматчи»га чиқарилган афишалар ҳам диққатимдан четда қолмади.

«Бой ила хизматчи»нинг янги вариантини тиклашда ва уни саҳналаштиришда Ўзбекистон ССР халқ артисти Етим Бобожоновнинг хизмати ғоят катта бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, асарни қайтадан тиклаш ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб юрагимга солган таниқли драматург Зиё Саид эди. Унинг ташаббуси билан ёзилган «Номус ва муҳаббат» Ҳамза театрида муваффақиятли саҳналаштирилгандан кейин у бир куни (1935 йилда) менга: «Бой ила хизматчи»ни ишламоқчи эдим, лекин директорлик вазифасини бажариб қўлим тегмаяпти, ундан ташқари кучим етиши ҳам қийинга ўхшаб турибди. Яхшиси бу ишни сен бажара қол» деди. Асарнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, гап синфлар устида, уларнинг кураши тўғрисида боради. Асарнинг ғояси, руҳиятидан четга чиқмаган ҳолда, мазмунини, синфий моҳиятини тўла сақлашга ҳаракат қилдим. Синфий курашни қандай бўлса, шундайлигича, ҳатто янада бўрттириброқ ифодалашга уриндим. Шу тариқа саҳнабоп биринчи вариант вужудга келди ва уни режиссёр Етим Бобожонов билан биргаликда кўриб чиқдик. Бироқ бу вариант режиссёрни қаноатлантирмади. Солиҳбой, Ғофир, Жамила, Холмат, ҳоким, элликбоши, имом, мингбоши, Сифатбуви, қози, пристав образлари бор, лекин Солиҳбой хонадонининг ички ҳаёти кўрсатилмаган, шуни очиб бермасангиз бўлмайди, деб туриб олди.

Драмадаги Ҳожи она, Ҳонзода, Гулбаҳор, Раҳима хола, Мастон образлари Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини, ундаги кирдикорларни очиш, чиркинлигини кўрсатиш мақсадида вужудга келди ва асар бирмунча тўлишди. Режиссёр ҳам шундан кейин қаноат ҳосил қилгандай бўлди ва асарни саҳналаштириш учун қўлга олди. Унгача пьеса тексти билан комиссия аъзолари ва мутасадди ташкилотларнинг бошлиқлари ҳам танишиб маъқулладилар.

Асарнинг премьераси жуда муваффақиятли ўтди. Йўлдош Охунбобоев билан Ҳамид Олимжон бошчилигидаги талай ўртоқлар муҳокамада қатнашиб, табриклаганлари ёдимда. Томошабинлар санъаткорларни тикка турганларича узоқ олқишладилар. Айниқса бош ролларни ижро этишган Аброр Ҳидоятов билан Сора Эшонтўраева унутилмас муваффақият қозондилар.

Мана шу воқеага ҳам эллик йил бўлди. Ярим асрдирки, «Бой ила хизматчи» спектакли театрларимиз саҳналарини безаб келмоқда. У ажнабий мамлакатларда, чунончи Булғория, Корея ва Мўғулистонда ҳам кўрсатилди, саҳнадан экранга ҳам кўчди. Бунда таниқли кино ва театр режиссёри Латиф Файзиевнинг муносиб хизмати бор. Асар жуда кўп қардош ва хорижий тилларга ҳам таржима қилинган.

«Бой ила хизматчи» майдонга келганига етмиш йилдан ошди, саҳнавий ҳаёти ҳам ўртадаги танаффус йилларини мустасно қилмасак шунга яқин. Унинг қўлёзмасини ҳамон излаймиз. Бошқа топилмаган асарлари қаторида ундан ҳам умидимизни узганимизча йўқ. Умидли дунё, деган гап бор-ку.

Бу машҳур асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида гап кетганда шуни сира унутмаслик керакки, у ҳанузгача бизда йўқ. Миёнбузрук Солиҳов китобида келтирилган парча бор, холос. Биз Ҳамзанинг оригинал, ўз қўли билан ёзган тексти деганда ўшани тушунамиз, Комил Алиев воситачилигида комиссия ихтиёрига топширилган Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида сақланаётган 7628/VII Инвентарь рақами остидаги 55 бетлик «суфлёр варианти»га келсак, унинг вужудга келиши борасида шундай хулоса чиқади: пьеса қўлёзмасига матбуотдаги эълонда минг сўм ваъда қилинганига кўзи тушган суфлёрми, майли, ким бўлишидан қатъи назар, бир шахс шу гап ростми ё ёлғонми, деб Комил Алиевга мурожаат қилган бўлиши мумкин. Комил Алиев менга йўлиққанидан кейин унга ижобий жавоб қилган. Ўша одам шундан кейин шартта қалам йўниб, пьеса ҳақида эшитган-билган нарсаларини қоғозга туширавергани, ёнига қўшиб-чатаверган. Натижада бир кечадами ё икки кечадами «асар»ни қотириб ташлаган. Бунда унинг асар хусусидаги аннотациялардан фойдаланган шубҳасиз.

Бу «қўлёзма»да иштирок этувчиларнинг номлари ҳам тўғри эмас. Бойнинг Солиҳ деган номи ҳам унутилган. Қандайдир вакил ота образи қўшилган. Текстдаги диалоглар телба-тескари ва алмойи-алжойилигидан одам хуноб бўлади. Ночор ва ғариблигидан «вариант» саналишга ожизлик қилади, услуби Ҳамза услубига мутлақо ўхшамайди. Шунинг учун ҳам бу «текст»нинг «вариант» ўрнида чоп этилиши кишини қонуний таажжубга солади.

Мен бу билан Ҳамзанинг беш томдан иборат тўла асарлари тўпламини нашрга тайёрлашда қатнашган олимларимизнинг кўп йиллик меҳнатларини чиппакка чиқармоқчи эмасман. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг бу борада қилаётган иши таҳсин ва ташаккурга сазовордир. Бу беш томлик Ҳамза ижодининг мухлисларига муносиб ижодий армуғондир, албатта. Бироқ ана шу беш томликнинг учинчи томини варақлаганда, жуда кўп яхши гаплар қаторида кишини ажаблантирадиган сатрларга ҳам кўзим тушди. Чунончи «Учинчи том»нинг 178-бетида қуйидагиларни ўқиймиз: «Ушбу қўлёзма (яъни «суфлёр варианти»)нинг Ҳамза вариантига қанчалик алоқадор эканлиги айрим ҳамзашунослар томонидан шубҳа остига олинади. Лекин 1939 йилда К. Яшин «Бой ила хизматчи» пьесасини тиклар экан, бошқа манбалар (хотиралар, афишалар ва бошқалар) қаторида ушбу нусхадан ҳам самарали фойдаланган(?) Шунинг учун ҳам ушбу томни нашрга тайёрлаган ўртоқлар пьесанинг бу нусхасини вариант сифатида эълон қилиш мумкин, деб ҳисоблади».

Ана холос! Буёғи жуда қизиқ бўлибди. Тегишли ўртоқлар бу сўзларни ёзишдан олдин андак бош қотириб, менинг текстим билан «суфлёр тексти»ни қиёслаб кўришмаганга ўхшайди.

«Бой ила хизматчи»ни тиклаганимда «суфлёр текстидан самарали» фойдаланган бўлсам, ўтган эллик йил ичида ўзим эътироф этишим лозим эди-ку! Нега ўзим турганимда бу гапни бошқа биров айтиши керак экан? Бунга тегишли асос келтирганида ҳам майли эди.

Асарни тиклаш ишига устознинг ҳуқуқли шогирди сифатида қўл урганим ҳаммага ҳам ёқаверган эмас. Бундан эллик йил илгари ҳам раҳмат эшитиш ўрнига жавобгарликка тортилишимга сал қолган эди.

«Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари» (тадқиқотлар) деб номланган тўплам ҳам адабиёт аҳлига яхши совға бўлганлигини айтиб ўтишим керак. «Фан» нашриёти томонидан ўтган йили нашр қилинган мазкур тўплам ҳам Тил ва адабиёт институти олимларининг илмий туҳфалари қаторида туради. Ундаги мақолаларни ҳузур қилиб ўқидим. Уларнинг аксарияти илмий жиҳатдан асосланганлиги, фактларга бойлиги ва мушоҳадаларнинг ўткирлиги билан диққатни жалб этади. Л. Қаюмов, Т. Турсунов, Ғ. Мўминов, С. Мамажонов, Б. Назаров, Н. Каримов, Ҳ. Акбаров ва бошқаларнинг салмоқли мақолалари шулар жумласидандир.

Мазкур муаллифларнинг мақолаларидаги етакчи томонларга шак келтирмаган ҳолда, бир нарсага эътиборни қаратмоқчимиз. Бу ерда гап яна «Бой ила хизматчи»нинг бизгача етиб келган қўлёзма нусхаларига келиб тақалади. Биз юқорида асарнинг учта текстига эга эканлигимизни айтиб ўтдик: Миёнбузрук Солиҳов китобида келтирилган парча, Комил Алиев аралашган «суфлёр нусхаси» ва шу сатрлар муаллифи тиклаган текст. Ҳозирча бошқа нусхага эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам тўпламдаги айрим мақолаларда текстлар борасида гап кетганида айрим чалкашликларга дуч келамиз ва мунозарали фикрлар айтилганини учратамиз. Чунончи, Т. Турсуновнинг «Ҳамза Ҳакимзода драматургияси» мақоласида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «Бой ила хизматчи»нинг асл тексти сақланмаган. Унинг К. Яшин томонидан тикланган вариантида Сибирь картинаси йўқ. ЎзФА Шарқшунослик институти Ҳамза фондида пьесанинг театрларда қўлда кўчирилган чала варианти ва унда Сибирь картинаси мавжуд. Мавзуимиз учун муҳим бўлган мазкур нусхани эътиборда тутамиз». (21 бет).

Демак, бу ерда гап биз юқорида тўхталган «суфлёр варианти» ҳақида кетяпти.

Н. Каримов мақоласида эса ўша нусха тўғрироғи ҳимоя остига олинади: «Персонажлар рўйхатини ўрганишнинг ўзиёқ айрим қаҳрамонларнинг исмлари ва характеристикалари турли труппаларда турлича ўзгаришларга дуч келганидан гувоҳлик беради. Бу афишалар ва «маромнома»даги маълумотларни пьесанинг Вали Бурхонов кўчирган нусхаси билан қиёсий ўрганиш эса сўнгги нусхани адабий қаллоблик самараси эмас, деб айтишга етарли ҳуқуқ беради. Аксинча бу нусхани Ҳамзанинг шу йилларга оид бошқа тугалланмаган драмалари билан чоғиштириш улар ўртасида муайян услубий яқинлик мавжудлигини тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам бу нусхага турли режиссёрлар томонидан муайян тузатиш, ўзгартириш ёки қисқартиришлар киритилган бўлиши мумкинлигини рад этмаган ва ҳатто тан олган ҳолда унинг асосан Ҳамза қаламига мансублигига шубҳа билдирмаслик мумкин. Умуман бу нусха «Бой ила хизматчи»нинг оригиналидан яхши хабардор бўлган, унинг сюжет чизиқлари ва композицион қурилмасинигина эмас, балки аксар персонажлар нутқини ҳам ёд билган суфлёр оғзидан ёзиб олинган бўлиши мумкин» (60-бет).

Ушбу нусха борасида юқорида анча-мунча тўхталиб ўтганим учун мазкур иқтибосга изоҳ бериб ўтирмоқчи эмасман, уни ортиқча ҳисоблайман.

Мақола муаллифи шундан кейин «Бой ила хизматчи»ни тиклашим ҳақида фикр юритиб, мени тоза элак-элак қилади ва «пьесанинг 1939 йил вариантини Яшин томонидан «тикланган» деб эмас, балки қайта ишланган ва таҳрир этилган нусха деб аташ тўғрироқ бўлади» (62-бет) деган хулосага келади.

Бу фикр тўғрими ёки нотўғрими бир нима дейишим қийин, уни илмий жамоатчилик ҳал қилгани маъқул. Бироқ мени эллик йилдирки, бир савол қийнаб келади: устоз асарини давримиз талабидан келиб чиққан ҳолда тиклашга ёки таҳрир қилишга ҳаққим бормиди ё йўқмиди? Мақола муаллифи шу саволни ҳам ўртага ташлайди ва бунга ижобий жавоб беради. Бироқ тикланган нусхани илмий нашрларда Ҳамза номидан берилишига қарши чиқади, суфлёр нусхасини маъқуллайди, асар ҳақида оғиз тўлдириб гапиришларини хушламайди, меъёрсиз ва асоссиз мақтовлар одамларнинг меҳрини совутиши мумкинлигини, Ҳамза ортиқча мақтовга, қоғоздан ясалган гулларга муҳтож эмаслигини уқдиради.

Ҳа, Ҳамза ўринсиз мақтовларга муҳтож эмас, бироқ биз шу ноқонда унинг ҳизматларини етарлича баҳоладикми? Менимча, йўқ. Ҳозиргача қилган ишларимиз дарёдан томчи, холос. Биз ярим асрдан бери Ҳамза ижодини ўрганиш билан банд бўлсак-да, ҳали бунинг тубига етганимизча йўқ. Бунга ҳали кўп йиллар керак бўлади. Бизни баҳодаги одиллик ва холисликкина мақсадга етказиши мумкин. Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Сўфизода, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Аваз каби Ҳамзанинг замондошлари ҳақида ҳам кўп ва хўб гапларни адабиётшунос олимларимиз шу жумладан ҳурматли Наим Каримов ҳам айтганича йўқ.

Кези келганда яна бир нарсага тўхталмоқчиман. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» ва «Паранжи сирлари» асарлари ҳам бошқа дурдоналари қаторида саҳнамизни безаб келмоқда. Уларга ҳам саҳна ҳаёти бағишлашда озму-кўпми хизматим бор. Ҳар икки асарнинг қўлёзма нусхалари йўқолган, деб юрилярди. Бироқ уларни излаб топиш ҳам осон бўлмаган. Бу икки асарни ўйласам, режиссёр Етим Бобожоновнинг гўрига нур тўлсин, дейман.

«Бой ила хизматчи» театрда муваффақият билан кўрсатилаётган кунлардан бирида Етим Бобожонов Пушкин кўчасидаги уйимга келиб, бир гапни айтиб қолди:

— Яшин, — деди у, — сизга ишонса бўлар экан. Ҳамзага шогирд эканлигингизни кўрсатдингиз. Энди бизникига борсак, сизга бир нарса кўрсатаман.

Жон-жон деб рози бўлдим. Етим Бобожонов Эски шаҳарда, А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг ўнг биқинидан кириладиган кўчадаги уйлардан бирида яшар экан. У тоши оғир, ёши бир ерларга бориб қолган, тез-тез хасталаниб турадиган киши эди. Кимдир қуриб кетган болохонали уйда истиқомат қилар, бироқ ғурурли ва инсофли одамлигидан бировга нолигани ва ҳасрат қилганини сира эшитмаганман.

Ўша куни Етим ака билан анчагина уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик, мавзу ахийри Ҳамзага келиб тақалди. Шунда Етим ака Ҳамза билан бирга бўлган йилларини эслаб кўзига ёш олди ва мендан болохонага чиқиб, шип ёғочи орасига қистириб қўйилган қоғозлар букламини олиб тушишимни сўради. «Уни менга бир вақтлари Ҳамза ака берган, сенда турсин, деганди. Яқинда эсимга тушиб қолди» деди Етим ака. Айтилган нарсани олиб тушдим, уйга келиб ўқий бошладим. У «Майсаранинг иши» билан «Мастура ялла» («Паранжи сирлари»)нинг қўлёзма нусхалари эди.

Бу икки асар шу тариқа яна қайта тириліб яшаб кетди. Орадан кўп ўтмай, театрларда саҳналаштирилди. «Майсаранинг иши» асарини ўша 1939 йилдаёқ «Ёш ленинчи» газетаси ўз саҳифаларида тўла эълон қилиб, халқимизнинг раҳматига сазовор бўлди...

Биз устоз санъаткорнинг ижодий меросига гард юқтирмаслигимиз, унга одил ва холис муносабатда бўлишимиз керак. Зеро, ҳаётий, бадиий ва илмий ҳақиқат шуни талаб қилади.

ИККИ ЖАМИЛА

СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева Ҳамза номидаги ўзбек Давлат драма театри саҳнасида «Бой ила хизматчи» асарида Жамила ролини илк бор ижро этган санъаткордир. Унинг бу роли театр мухлисларида катта таассурот қолдирган.

Бугунги кунда Сора опадан бу роль ижросини ўрганаётган ва уни муваффақият билан ижро этаётган артистлар орасида Гулчеҳра Жамиловани учратамиз.

Суратда: Сора Эшонтўраева ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамилова спектакль намойишидан сўнг ўзаро мулоқотда.

А. РИСҚИЕВ фотоси (ЎзТАГ).

• *Спорт*

Ўлкамизда кунлар илиб, баҳор нафаси кеза бошлади. Спортчи йигит-қизлар қулай ва шинам спорт саройлари, кенг ва ёруғ заллардан табиат қўйнига ошиқмоқдалар. Ёшлар чиғилёзди машқларига зўр бермоқдалар. Зеро, республиканинг очиқ ҳаводаги дастлабки расмий мусобақаси Яйпан шаҳрида бошланади, десак муболаға бўлмайди. Енгил атлетикачилар ғолиблик учун шайланишмоқда. Анъанавий мусобақа — «Совет Ўзбекистони» газетаси совғини учун марофонча югуриш ва спортча юриш бўйича республика шахсий-команда биринчилигининг бошланишига эса саноқли кунлар қолди. Мусобақа байроғи бу сафар ўн биринчи марта кўтарилади. Яйпанликлар эса мусобақа иштирокчиларини тўртинчи марта чорламоқдалар.

• *Мусобақа арафасида*

Яна Яйпан йўлларида

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» марафонча югуриш ва юриш ЯЙПАН - 89

Енгил атлетиканинг қизиқарли ва оммавий турларидан ҳисобланган марофонча югуриш ва юриш бўйича анъанавий совриндорлик баҳси ўтказиб келинаётгани жойларда оммавийликни таъминлаш, маҳоратли йигит-қизлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мусобақага тайёргарлик кезлари ўзига хос жонланиш юзага келмоқда, спорт базаларидан унумли фойдаланишга эътибор қилинмоқда. Хусусан, мусобақани ўтказиш учун навқирон Яйпан шаҳри танланишидан биз мамнунмиз. Боиси шаҳримиз, районимиз, қолаверса, областимизда спортнинг айнан югуриш ва спортча юриш турига қизиқиш катта. Областимиз терма командаси йилдан-йилга мавқеини мустаҳкамлаб, бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Яйпанда дастлабки мусобақа бундан тўрт йил илгари ўтказилганди. Ушанда мутахассислар Яйпан йўлларини юксак баҳолаб, Иттифоқ миқёсидаги баҳсларни ташкил этиш учун имконият бор, деган фикрни билдиришганди. 1986 йили ҳам мусобақани Яйпанда ўтказиш учун қўлимиздан келган барча ташкилий-тадбирий ишларни амалга оширдик.

Натижа ёмон бўлмади. Мусобақа мутасаддилари ўтган йили ҳам совриндорлик баҳсини шаҳримизда ўтишига розилик билдиришди. Шу кунларда эса мамнуният билан яна бир бор марафончиларни қаршилашга ҳозирлик кўрмоқдамиз.

Бизда мусобақани ташкил этиш борасида етарли тажриба тўпланган. Марафончиларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишдан тортиб, ҳар бир йигит-қизни эркин югуриши учун қулай шароит яратишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун югуриш трассасини транспорт ҳаракатига дахлсизлиги таъминланади. Қўлларига баҳор чечаклари ва байроқчалар тутган пионер-ўқувчилар ўзига хос жонли девор тарзида саф тортиб, спортчиларни олқишлаб турадилар. Яйпан йўлларининг мутахассислар маъқул келиши бу ернинг табиати, ҳавосининг мусаффолиги, қолаверса, марра чизиғини қурама тоғлари этакларигача бориб тақалиши, деб эътироф этилмоқда.

Бу сафарги мусобақага ҳозирланиш важидан Ўзбекистон район партия ва совет ташкилотлари, физкультура ва спорт жамиятлари ташкилий ва тадбирий ишларга эътиборни қаратмоқдалар. Бугунгача югуриш йўллари кўздан кечирилиб, тегишлича созлаш ишлари амалга оширилди. Спортчиларга бериладиган эсдалик совғалари тайёрланмоқда. Спорт байрамига бағишланган турли безаклар, афишалар ҳозирланмоқда. Ҳар бир командани оталиққа олган ташкилотлар спортчиларга ёрдам кўрсатиш, маданий хизмат қилиш борасида тадбирлар ишлаб чиқишмоқда.

Совғин учун курашда яйпанликлар алоҳида команда бўлиб қатнашишни мўлжаллашган. Маълумки, яйпанлик У. Мамадалиев бултур беш минг метрли масофага югуришда совринли ўринни эгаллаб, кўпчиликни қувонтирган эди. Шу кунларда у область терма командаси аъзолари — Н. Абдуллаева, А. Бўриев ва Ю. Раҳматуллин қатори машқини оширмоқда. Мусобақага ҳозирлик қизғин тус олди. Район марказидаги «Дўстлик», Ғафур Ғулом номли совхознинг «Ёшлик» стадионлари ҳар қачонгидан гавжум.

Газета совғини учун бу сафарги мусобақа ёшлик, гўзаллик ва чапдастлик байрамига айланиши табиий. Бу гал ҳам асосий мусобақа олдидан районимиз меҳнаткашлари ва ёшлардан иборат оммавий югуришларни ташкил этамиз. Кўп минг кишилик бундай югуришлар, айниқса қизиқарли ўтмоқда. Бир сўз билан айтганда, кўкламнинг дастлабки кунлари бошланадиган спорт мусобақаси Наврўз байрамига тайёргарликнинг ўзига хос босқичига айланади. Баҳорги айём бу сафар катта оммавий сайллар, қўшиқ ва рақслар ҳамда меҳнат байрамига айланиши билан бирга спортчиларнинг қизғин беллашувларига уйғунлашиб кетади.

Т. НАЗАРОВ,
халқ депутатлари Ўзбекистон район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

● 6 МАРТ, ДУШАНБА

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Қанизак Изаура». Бадиий фильм. 13 ва 14-серия лар. 11.50 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.50 Концерт. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Сайловлар олдидан. 16.25 Музикали хазина. 17.10 Ҳужжатли фильм. 17.30 Болалар соати. 18.30 СССРда ихтиро қилинган. 19.00 Футбол шарҳи. 19.30 Тараққиёт, ахборот, реклама. 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Канизак Изаура». Бадиий фильм. 14-серия. 21.30 Время. 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Музикали программа. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 Ҳужжатли фильм. 23.45 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 00.45 Адабий портрет.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий оммабоп фильм. 9.35 Физика. 10.05 Италян тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35 Биология. 12.05 «Сиз яратган боғ». 13.05 «Ёғоч тўп». бадиий фильм. 14.15 ва 17.15 Янгиликлар. 17.45 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.45 Мультфильм. 18.55 Ҳужжатли фильмлар. 19.45 Халқ куйлари. 20.00 Телефильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Теннис. СССР Чемпионати. 21.30 Время. 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. 23.45 «Тунда учадиган капалак». Бадиий фильм. 00.15 Янгиликлар. 00.25 Тонги почта. 00.55 Конькида югуриш.

ЎзТВ-I. 15.00 Кинопрограмма. 15.55 Болалар уйи директори М. Ботирова билан учрашув. 17.15 Телефильм. 17.30 География. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Колокольчик. 18.50 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 19.20 Концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Арманистон мусибати—ҳамма нинг қайғуси. 21.30 Время. 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ҳамза ва замонамиз. 23.35 «Тошкент» студияси кўрсатади.

● 7 МАРТ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Канизак Изаура». Бадиий фильм, 14 ва 15-серия лар. 11.25 Янгиликлар. 11.35 Бу бўлган... бўлганди... 11.55 Болалар соати. 12.55 Киноафиша. 13.55 Лирик концерт. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Сайловлар олдидан. 16.25 Ҳужжатли фильм. 16.40 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 17.40 Ҳокимият—Советларга. 18.10 Сени севаман, ҳаёт! 18.15 Дунё воқеалари 18.30 СССР халқ артисти А. Баталов билан учрашув. 19.35 Концерт. 19.55 Халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Кўрсатув тугагач — Время. 21.45 Сайловлар олдидан. 21.55 «Канизак Изаура». Бадиий фильм. 15-серия. 23.20 Концерт. 23.55 Дунё воқеалари. 23.50 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳамма учун алифбе. 9.35 Физика. 10.05 Француз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35 Биология. 11.55 Тишларингизни авайланг. 12.05 Француз тили. 12.55 «Салом, мен сизнинг холангиз бўламан». Бадиий фильм. 14.35 ва 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Бақалоқ ва қилтириқ», «Жодугар», «Шу ерда яшовчи», «Драмма». Бадиий фильмлар. 19.00 Томск телевидение студияси нинг программаси. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. Тугагач—Время. 21.45 Сайловлар олдидан. 21.55 Дўстлик чинорлари. 22.25 Конькида югуриш. 22.55 Ҳужжатли фильм. 23.10 Янгиликлар. 23.20 Чехов асарлари асосида бадиий фильмлар.

ЎзТВ-I. 15.00 Телефильм. 15.30 «Соат 12 да бошлиқ келади». Бадиий фильм. 16.45 Физика. 17.15 Телефильм. 17.25 Эстетика асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильмлар. 18.30 Онажонсиз—жонажонсиз. 19.00 Ахборот. 19.15 Ғазалим сизга. 19.40 Ахборот. 19.55 Халқаро хотин — қизлар куни 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 21.15 Время. 21.45 Сайловлар олдидан. 21.55 Нафосат. 22.55 Телеминиатюралар.

● 8 МАРТ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 8.30 Янгиликлар. 8.45 Ҳужжатли фильмлар. 9.25 Болалар соати. 10.25 Концерт. 10.50 Болалар учун фильм. 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.30 Цирки ҳамма севади. 13.15 Концерт. 14.00 Дунё воқеалари. 14.15 З. Кириненко ижодига бағишланган кўрсатув. 15.30 Мультфильмлар. 15.50 Музикали фильм. 16.45 Хоккей. СССР чемпионати. 18.15 Катталар ва болалар. 19.15 «Умид билан ўтган 7 кун». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия лар. 21.30 Время. 22.05 «Аёл ҳамиша ҳақ». Байрам программаси. 00.35 Рақслар, рақслар.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Мультфильмлар. 9.15 Киноконцерт. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.25 «Ғилдиракли печка». Фильм-спектакль. 12.10 Концерт. 12.40 Йилга татигулик хотира. 13.25 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 15.55 Хоккей. СССР чемпионати. 16.35 Мультфильм. 16.55 Концерт. 17.45 Мультфильмлар. 18.15 Иркутскликлар, даврани кенг олинг. 18.40 Фильм-концерт. 19.30 Биз билан бирга, худди биздек, бизсдан ҳам яхшироқ бажар. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Синхрон сузиш. Халқаро мусобақа. 21.15 Концерт. 21.30 Время. 22.05 «Цирк маликаси». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия лар. 00.30 Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 9.00 Фильм-концерт. 9.30 Мультфильм. 9.50 фильм-концерт. 10.15 «Дунё». Бадиий фильм, 1-серия. 11.30 Музикали томошалар. 12.05 Аҳвол қандай чемпион. 12.30 Она портрети, 13.25 «Дунё». Бадиий фильм, 2-серия. 18.10 Ҳар доим бўлсин онам. 18.40 Ешлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Мультфильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Байрам музикали программаси. 21.30 Время. 22.05 Музикали программанинг давоми. 22.55 Нақшинг хумориман.

● 9 МАРТ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.15 «Канизак Изаура». Бадиий фильм, 15-серия. 10.40 Оламга саёҳат. 11.40 Янгиликлар. 11.50 Болалар соати. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Ҳужжатли фильм. 16.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.30 Яна бир бор ижара ҳақида. 18.00 Мультфильм. 19.10 Концерт. 18.40 Ҳокимият — Советларга. 19.10 Вулқонлар мамлакатига. 19.30 Телематбуот клуби. 20.15 «Дадам учун қайлиқ». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Фестиваллар, Конкурслар, Концертлар. 23.05 Бизнинг мерос. 23.50 Дунё воқеалари. 00.05 Оммавий куйлар янгиликлари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Умумий биология. 10.05 Испан тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35 Ўқув кўрсатувлари. 12.05 Испан тили. 13.05 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. 14.20 ва 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Ҳаётга муҳаббат». Бадиий фильм. 19.05 Концерт. 19.40 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.45 Свердловск телестудиясининг программаси. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Сиз бунга қодирсиз. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 «Ҳаётга муҳаббат». Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар. 23.40 Трамплиндан сакраш.

ЎзТВ-I. 15.00 Телефильм. 15.50 «Гугуртга кетиб...» Бадиий фильм. 17.30 Химия. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.35 Халқ таълими муқаддимасида. 19.10 Инсон болаликдан бошланади. 20.00 Ахборот. 20.10 Сайловлар олдидан. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Нур яратувчилар. 22.25 «Камтарин қўлингиз». Бадиий фильм.

● 10 МАРТ, ЖУМА

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 10.05 «Дадам учун қайлиқ». Бадиий фильм. 11.20 Киножурнал. 11.30 Концерт. 12.05 Янгиликлар. 12.15 Мультфильмлар. 12.45 Умринг боқий бўлсин, ер!. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Болалар учун фильм. 17.35 Ҳужжатли фильм. 17.55 Концерт. 18.15 Фан-назария, тажриба, практика. 19.00 Ҳокимият — Советларга. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Интерсигнал. 20.05 «Келин». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ниқобсиз. 22.55 Бу бўлган... бўлган. ди... 23.15 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Музика. 10.05 Инглиз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.40 Тарих. 12.10 Инглиз тили. 13.10 «Ҳаётга муҳаббат». Бадиий фильм. 14.30 ва 17.30 Янгиликлар. 17.40 Адабий ўйин. 10.05 Ижара пудрати ҳақида. 19.35 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 Озарбайжон курортлари. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 Время. 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 «Олтин тўй». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 00.30 Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 15.00 Ер ва эл. 16.00 «Ялангоч аёл протрети». Бадиий фильм. 17.30 Ўқитувчи экрани. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ўсмир ва қонун. 18.50 Озиқ-овқат программаси — амалда. 19.20 Ешлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу кунинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Камолот сари. 21.30 Время. 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кино кўрсатув.

● 11 МАРТ, ШАНБА

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Сиз яратган боғ. 9.30 Концерт. 10.00 Ҳужжатли фильм. 10.40 Инсон институти. 11.30 Концерт. 12.20 Социализм мамлакатларида. 12.50 Ҳайвонот оламида 13.50 Дунё воқеалари. 14.05 «Тарас Шевченко». Бадиий фильм, 15.55 Мультфильмлар. 16.20 Халқаро экологик программа. 18.00 Шеърият лаҳзалари. 18.05 Халқаро программа. 19.05 Аёл ҳаётидан 15 дақиқа. 19.20 «Қизил графиния». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.25 Концерт. 00.10 Янгиликлар. 00.15 Катталар учун мультфильмлар. 01.05 Гулдаста.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Мультфильмлар. 10.15 Концерт. 11.25 Тараққиёт, ахборот, реклама. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.30 «Амиго Эрнесто». Бадиий фильм. 13.40 Зоя Слободян. 14.15 Давр ва ўзим ҳакимда. 14.45 Ленинград телестудиясининг программаси. 15.25 Музикали абонемент. 16.25 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.10 Ҳужжатли фильм. 17.40 «Из» Фильмспектакль. 19.30 Баскетбол. Профессионаллар учрашуви. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Миллатлараро муносабатлар. 21.30 Время. 22.05 Концерт. 22.25 Футбол. «Динамо» (Тб) — «Динамо» (К). 00.05 Оммавий куйлар янгиликлари. 00.55 Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 10.40 Сайловлар олдидан. 11.10 «Инсонга қанот нега керак». Бадиий фильм. 12.35 Пойтахтимиз меҳмонлари. 13.45 Партия ташкилоти ва қайта қуриш. 14.15 Ижодий ҳамкорлик. 14.35 Инсон ва замин. 16.40 1989 йил футбол баҳори. 16.00 Футбол. «Пахтакор» — «Кузбасс». 17.50 Телефильм. 18.30 Тенгдошлар. 19.15 Биз танлайдиган йўлдар. 20.00 Ахборот. 20.20 Тележурнал. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 Время. 22.05 Санъат усталари.

● 12 МАРТ, ЯКШАНБА

МТ-I. 8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар учун кўрсатув. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Мультфильм. 16.00 Останкино концерт студиясида учрашув. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильмлар. 20.00 «Мулозим». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Биринчи қаторга билет. 23.30 Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 «Олтин тўй». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия лар. 11.05 Концерт. 11.30 Ҳужжатли фильм. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Реклама. 13.05 Ҳужжатли фильм. 14.00 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 15.45 Ҳужжатли фильм. 16.15 Мультфильмлар. 16.35 Фильм-балет. 17.10 Нима? Қаерда? Қачон? 19.20 Оперета айбланади. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Музикали фильм. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Оила даврасида. 10.30 Бирғалиқда куйлаймиз. 11.00 Товарлар — халққа. 11.30 Светофор. 12.30 «Шаҳар четига сайр» Бадиий фильм. 14.00 Еш спортчи мактаби. 15.00 Хўжасизликка барҳам берайлик. 15.30 Техника ижодиёти мактаби. 16.00 Реклама. 18.10 Мультфильмлар. 18.40 Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.20 Фан уфқлари. 20.00 Ахборот. 20.15 Шундай аёл бор. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 «Ноқулай одам» Бадиий фильм.

● СУРАГАН ЭКАНСИЗ

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА МАРКАЗ

Сурхондарё областидан ташвишли хат келди. Унда ёзилишича, тўққиз ойлик чақалоқлигида ҳамда беш ёшлигида буйраги операция қилинган бола яна бир-икки бор даволанишига қарамай, ҳамон қорнининг пастидаги оғриқдан азоб чекар экан. Нима қилиш керак? Қайси тажрибали шифокор келажагимиз ворисини дарддан фориғ эта олади.

— Зудлик билан жавоб ёзинг, Тошкент область Оржоникидзе район Ленин номли колхоз территориясидаги «САМПИ»нинг кўп профилли клиникасида ташкил топган сунъий буйрак марказига олиб келишсин, — деди Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректори, профессор Амин Сулаймонов.

Республикамизда экологик вазиятнинг бузилиши оқибатида болаларнинг турли хасталиклар, жумладан буйрак, юқумли ошқозон-ичак касалликлари билан оғриши тез-тез учраб туради. Айниқса, бирор сифатсиз овқатдан ёки кимёвий эритмалардан заҳарланиш, оғир операциядан сўнг буйракнинг ўткир ёки сурункали касалликкга чалиниб, баъзан унинг ишламай қолиши, пешобда туз миқдорининг кўп бўлиши каби кўнгилсиз воқеаларга дуч келамиз.

Энди эса республикамизда Ўрта Осиёда ягона сунъий марказ (телефон: 62-55-46) бор. Институт клиникаси бош врачи Х. Азнауров, унинг ўринбосари Н. Грунина ҳамда сунъий буйрак марказ мудири Қ. Деҳқонов билан маслаҳатлашгач, касаллик ҳолати оғир-енгиллигига қараб беморлар барча областлардан, ҳатто қўшни республикалардан стационар даволанишга келишлари мумкин.

А. ЭРГАШЕВ,
врач.

БОЛАЛАР АВТОБУСИ

МАРҲАМАТ РАЙОНИ КОМСОМОЛЛАРИ 3-БОЛАЛАР УЙИГА ЯНГИ АВТОБУС СОВҒА ҚИЛДИЛАР

Болалар уйлари ва мактаб интернатлари фаолиятини тубдан яхшилаш, ота-оналари эътиборидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш масаласи Марҳамат райони ёшларининг диққат -эътиборида турибди. Комсомол ёшлар болалар уйларини оталиққа олишган. Ҳаваскор артистлар ўз программалари билан болалар ҳузурида тез-тез меҳмон бўлишади.

Область комсомол комитети томонидан ташкил этилган студент қурилиш отрядларни ибратга лойиқ ташаббусни амалга оширдилар. Улар ишлаб топилган маблағ ҳисобига автобус сотиб олиб, уни болаларга совға қилишди. Эндиликда болалар уйи тарбияланувчилари шаҳардан ташқари саёҳатга ўз автобусларида чиқишмоқда.

Суратда: саёҳатга бориш қувончи.

Р. АШУРОВ фотоси (ЎзТАГ).

СТЕНОГРАФИСТКА КЕРАК ЭМАСМИ?

• *Лўқма*

1935 йили Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида стенография курси ташкил этилиб, ўзбек стенографисткалар тайёрлаш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири қилиб қўйилганди. Бу ишда марҳум педагог Муҳиддин Муродов чинакам жонбозлик кўрсатди. У бошланғич стенография системасини қайта ишлаб чиқди ва ўзбек тилининг хусусиятларини стенограммада акс эттиришга муваффақ бўлди. 1937 йили эса биринчи дарсликни яратди. Стенографик қисқартмалар луғати ҳам унинг қаламига мансуб. Моҳир стенограф ўзбек тилининг лингвистик хусусиятларини пухта ўрганди. М. Муродовнинг 1953 йилда босилиб чиққан «Ўзбек стенографияси» китоби ҳозир ҳам ягона дарслик ҳисобланади.

Кейинчалик Тошкентда стенографчилар тайёрлаш ишлари қизғин олиб борилди. Шаҳардаги 105-, 22-, 76-ўрта мактабларда, Тошкент давлат университети журналистика факультетида, маданий-оқартув техникумида стенография ва машинкада ёзув курслари очилди.

Бироқ 70-йилларга келиб ўзбек стенографисталарига бўлган талаб кескин камайди.

— Билим юртимизда секретарь-стенографистка, секретарь-машинистка ихтисоси бўйича идора ходимлари тайёрланади, — дейди Тошкент стенография курси директори М. Собирова. — Курсни ҳар йили 300 нафар машинистка битириб чиқади. 15—20 нафар русча стенографисткага диплом берилади. Лекин кейинги пайтда ўзбек стенографияси группасига қизлар келмаяпти. Шундан кейин группа ёпиб қўйилди.

Ўзбек стенографияси группаси қайта-тикланиб, малакали мутахассислар тайёрланиши ҳаёт тақозосидир.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигидаги мутасадди ўртоқлар бу борада нима деркин?

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ОБ-ҲАВО

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан олинган маълумотга қараганда, 5-11 март кунлари Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Жануби-ғарб томондан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Бу даврда ҳарорат кўтарилиб, Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм ва Самарқанд областларининг шимолий районларида кечаси 0-5 даража совуқдан 0-5 даражагача иссиқ бўлади. Кундузи ҳарорат 5-10 даражадан 12-17 даражагача кўтарилади.

Фарғона водийси областларида кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ ўртасида, кундузи эса 12-17 даражагача иссиқ бўлиши кутилади. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида кечаси 2-7 даража иссиқ, кундузи эса 21-26 даражагача етади. Республикининг бошқа областларида кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража иссиқ ўртасида, кундузи 16-21, Бухоро областида 25 даражагача иссиқ бўлади.

ХУШХАБАРЛАР

● НАМАНГАНда 306 ўринга мўлжалланган «Орзу» туристик-меҳмонхона комплекси очилди. Қулай ва шинам меҳмонхона совет меҳмонларинигина эмас, чет эллик меҳмонларни ҳам қабул қилишга тайёр. Область саёҳатлар ва экскурсиялар идораси маданий программа ҳам тайёрлади: қизиқарли саёҳатлар уюштириш, «Кўксарой» ва «Ойдинкўл» турбазаларида дам олиш мўлжалланган.

* * *

Самарқанддан Москвага ТУ-154 самолёти илгари ҳам учар эди. Лекин уларни москвалик учувчилар бошқарар эдилар. Энди эса Самарқанд-Москва оралиғида мунтазам учувчи ТУ-154 самолётини Самарқанд учувчилари бошқаришмоқда.

— Биз янги самолётни бошқариш учун экипаж ҳамда ерда хизмат қиладиган кишиларни тайёрладик. Кейинчалик бошқа маршрутларда ҳам ТУ-154 самолётлари учадиган бўлади, дейди Самарқанд бирлашган авиаотрядининг командири Исоқжон Сандаҳмедов. Биринчи классли бу учувчи айни вақтда экипаж командири ҳамдир.

Ҳозир Самарқанд аэропортида, шу ердаги авиаотрядда техника янгиланмоқда, замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. Аэропорт ўтган йили бир миллион сўмдан ортиқроқ зарар кўриши эҳтимоли бор эди. Ортиқча техника, фойдаланилмайдиган ускуналарни сотиш, ёндош касблар билан шуғулланиш ҳисобига давлат томонидан бериладиган ёрдам пулини 10 баравар қисқартиришга муваффақ бўлинди. (ЎзТАГ).

«02» хабар қилади:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ АХБОРОТИ

ҲАДДИДАН ОШГАН КУЁВЛАР

● Иззатини билган куёвларни кимлар улуғламаган. Афсуски, уларнинг орасидан хурмачасига сиққанидан ортиқча ичиб олиб, тўполон кўтарадиганлари ҳам чиқиб қоларкан. Каттақўрғон шаҳридаги 50-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси П. Шейнин «кайф гаштини» сураётиб, қайнонаси билан уришиб қолди. Жанжални тинчгина ҳал этиш ўрнига қўлбола граната олиб, ўтакаси ёрилаёзган пенсионер аёлга дўқ пўписа қила кетди. Милиция ходимлари П. Шейнинни тўхтатиб қолишди.

ТОШБАҒИРЛИК

● Аёл деганда кўз ўнгимизда оилапарвар, фарзандлар бошида гиргиттон муҳтарама зот гавдаланади. Минг таассуфки, улар орасида покиза номга доғ туширяётганлар ҳам учраб турибди. Фарғона районида яшовчи Ф. Ражаматова эри билан муросаси қочиб қолгач, аламидан 5 ёшли боқиб олган қизи О. Ёдгорованн роса дўппослади. Қизчанинг кўз ёшлари тошбағирнинг юрагини юмшата олмади, уни уйдан совуққа ҳайдаб чиқарди. Қалтак зарбидан ҳолсизланган мурғак аёзга бардош беролмади...

10 февраль куни Тошкент шаҳридаги ун комбинати яқинида Салор анҳоридан янги туғилган чақалоқнинг мурдаси топилди. Фарғона область «Мўйин» совхозида жойлашган ахлатхонадан ҳам дунёга эндигина келган ўғил боланинг жасади чиқди. Қайси она, агар ўша номаълум қотил аёлларни шундай номлашга тил борса, бу мудҳиш жиноятга журъат этган экан? Покиза мурғакни давлат тарбиясига топшириш мумкин эди-ку!

ЖИНОЯТЧИЛАР УШЛАНДИ

● Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходими милиция лейтенанти П. Отажонов Пахтазор микрорайонида хатти-ҳаракатлари шубҳали туюлган икки кишининг ҳужжатларини текширишга қарор қилди. Суқбат чоғида илгари уч марта судланган, на ишлаш, на яшаш жойининг тайини йўқ З. Разиев қўйнидан пичоқ чиқариб П. Отажоновга урмоқчи бўлди. Икки марта судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Чингарев эса милиционерга қирқма милтиқ ўқталди. Жасур милиция ходими ҳаёти хавф остида эканлигига қарамай, ўзини йўқотиб қўймади. У тўппончасини қинидан чиқарганда жиноятчиларнинг асаби дош бермай қочиб қолишди. Улар илгари судланган ака-ука Набиевларнинг квартирасига яширинди-лар. Милиционерлар группаси ушбу квартирага тўсатдан бостириб кирганида А. Чингарев уларга қарата ўқ узди. Лекин мўлжал тўғри олинмаган эди. Квартирадаги тўрт шумнинг ушланди, улардан бир нечта пичоқ, 2 та қирқма милтиқ, ўқ-дорилар топилди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
милиция капитани.

Редактор
У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11615. Б. — 54. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12